

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ
МУАММО ЖАНРИДАГИ
ТУРКИЙГҮЙ ХАЛАФИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ

АЛИШЕР НАВОИЙНОМИДАГИ ДАВЛАТ
АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ
МУАММО ЖАНРИДАГИ
ТУРКИЙГҲЙ ХАЛАФИ**

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
2009

Ушбу нашр орқали Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний» ва «Мажолис ун-нафоис» асарлари таркибидаги муаммо жанрида ёзилган шеърларнинг Абдулла Гулшаний томонидан амалга оширилган ечими илк бор кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола этилмоқда.

Нашрга тайёрловчи ва
сўзбоши муаллифи:
филология фанлари номзоди
Жалолиддин ЖЎРАЕВ

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор
Саидбек ҲАСАНОВ

Такризчилар:
филология фанлари номзоди, профессор
Суйима ҒАНИЕВА

филология фанлари доктори
Нурбой ЖАББОРОВ

ISBN 978-9943-09-807-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2009 йил

ГУЛШАНИЙ ИЖОДИЁТИ ХУСУСИДА

XX асрда ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттирган ижодкорлардан бири Абдулла Абдурахмон ўғли Гулшанийдир (1898-1978). У шоир, адабиётшунос, таржимон ва котиб сифатида бир қатор асарлар ёзиб қолдирган.

Гулшаний Шаҳрисабзнинг Зангарон маҳалласида, қосиб оиласида туғилган¹. У дастлабки таҳсилни Шаҳрисабздаги «Молик ашгар» мадрасасида олади. Ўн етти ёшидан бошлаб Бухорода ўқиган. Таҳсил даврида Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил каби шоирларнинг асарлари мутолааси билан бирга ўзбек ва форс тилларида шеър машқ қила бошлаган².

Ёш шоир ўн беш-ўн олти ёшларга етганида, шеърлари Шаҳрисабз беклиги шеърят ихлосмандлари орасида яхши таниш бўлган. Шу боис у ўша даврда Шаҳрисабзда ҳокимлик қилган фан ва адабиёт ҳомийси Мирзо Салимбекнинг назарига ҳам тушган³.

Гулшанийнинг номи Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг «Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб» асарида ҳам қайд этилади. Тазкирада Абдулла Гулшаний Шаҳрисабзнинг иқтидорли ёш шоирлари қаторида тилга олиниб, «Шаҳи ҳўбони ман як нозанин аст» деб бошланган форсча олти байтли ғазали ҳавола этилган. Шу-

¹ Носир Муҳаммад Насаф ва Кеш алломалари. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. 47-бет; Воҳидов Ш., Эркинов А. Шоирлар юрти. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002, 2 ноябр, № 45 (3678); Яна шу муаллифлар: Шаҳрисабз 2700: минг йиллар мероси. Шаҳрисабз шоир ва хаттотлари. Тошкент, 2002. 124-127-бетлар

² Абдулла Гулшаний. Гулистони Гулшаний. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи. Ўзбекистон ёзувчилари архиви фонди. 5-а ғарақ.

³ Мазкур фонд. Гулшаний. Гулистони Гулшаний. 134-бет.

нингдек, ўша ўринда шоирнинг отаси ҳам илмли киши бўлганлиги қайд этилади⁴.

Айни пайтда Гулшаний қаламига мансуб тўққиз жилдан иборат қўлёзма ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи «Ўзбекистон ёзувчилари архиви» фондида сақланади. Улар қуйидагилар:

1. 1) «Гулистони Гулшаний»⁵ — қўлёзма форс тилида. Унда шоирнинг ғазал, мухаммас, таржиъбанд, рубой жанридаги шеърлари жамланган.

Шунингдек, бу китобга «Ёднома» рукни остида Гулшаний билан ижодий ҳамкорлик қилган, ўзаро фикр алмашиб турган бир қатор ижодкорларнинг яшаб ўтган даври, ҳаёт йўли борасида гапирилиб, уларнинг ижодий меросидан намуналар берилган. Жумладан, Ҳофий (Абдулжалил Кухий) тўғрисида мана бундай ёзади: «У кишининг исмлари Абдулжалил бўлиб, Кухий сифатида машҳурдир. Олим ва фозил шоир эди. Бизнинг азиз иниларимиздан эди. Бир минг уч юз етмиш саккизинчи ҳижрий йилда вафот топган. Шеърда у кишининг тахаллуси Ҳофий эди», деб шеърятидан намуна келтиради.

Қори Сайиджон Осий тўғрисида: «У кишининг исмлари Қори Сайиджон Кутбиддин ўғли бўлиб, Бухорода таваллуд топганлар. Қорийи Қуръон бўлиб, Бухорода таҳсилни «Ҳикмат ул-айн»га қадар етказган. Бу киши бир қанча йил Қамашда яшаб ҳукумат ишида бўлдилар. Қамашда бизнинг ўртамизда дўстлик ва биродарлик ҳосил бўлди. Хуштабъ ва хушмуомала киши эди. Шеърда Осий тахаллуси бор эди. Ўзбек ва форс тилларида кўп шеърлар бердилар. Бу киши ҳижрий бир минг уч юз етмиш еттинчи йилда Бухорода вафот топдилар», дея Осийнинг бир неча ғазалини берган.

⁴ Қори Раҳматуллоҳ Воезх, Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи хазинаси. 207-рақамли босма китоб. 366-бет. Тазкирага кейинчалик Шахрисабзда ҳокимлик қилган Мирзо Салимбек томонидан бекликда яшаб ижод қилган Гулшаний сингари ёш шоирларга оид янги маълумотлар ҳам илова қилинганлиги маълум.

⁵ Қўлёзма уч жилдан иборат бўлса керак. Чунки титул вароғига муаллиф томонидан «Учинчи жилда» деб ёзилган.

Булардан ташқари китобга Абдулҳамид махзум Абдулҳақ ўғли Ҳамидий, Файзулла махзум Равнақийларнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумот, ижод намуналари ҳамда улар ўртасидаги ёзишмалар кирган. Мазкур мактубларда шоирларнинг ҳамкорлиги, бирор мавзу юзасидан олиб борган мунозаралари, икки томоннинг бири-бирига нисбатан бўлган самимий ҳурмати ўз аксини топган бўлиб, бу ўша давр адабий ҳаёти, қаламкашлар ўртасидаги ёзишмаларнинг намунаси, хусусан, мумтоз адабиёт анъаналарини сақлаб қолиш ва давом эттиришга бўлган урунишларнинг кўриниши сифатида тадқиқотлар учун муҳим манба бўла олади. Ана шундай мактубларнинг бирида Ҳофийнинг чор дар чор вазнида бир ғазал ёзиб юборганлигини айтади. Жавоб мактубида Гулшаний ёзилган ғазал чор дар чор талабига қандай сабабларга кўра жавоб бермаслигини кўрсатиб ўтиб, мисол тариқасида ўша вазнида бир ғазал битади.

2) Сояи аслий ҳақидаги рисола.

2. Ўзбек ва форс тилларидаги ғазал, мухаммас, рубойи, маснавий жанридаги шеърлар (Афтидан «Гулистони Гулшаний»нинг иккинчи жилди бўлса керак. Муқовага «Гулистон» деб ёзилган).

3. Икки жилдан иборат Муҳаммад Ҳусайнийнинг «Муаммо рисоласи» нинг форс тилидан ўзбек тилига таржимаси.

4. Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маъоний»сита кирган 53 та муаммонинг ечиш йўллари.

5. Муаллифи номаълум муаммо рисоласининг таржимаси.

6. 1) Муҳаммад Ҳусайн Нишопурийнинг Тангрининг 99 исмига ёзган муаммоларининг таржимаси ва ҳал қилиш йўллари. 2) Алишер Навоийнинг «Мажолис унафоис» тазкирасида зикр қилинган муаммонавис шоирларнинг муаммолари ечими.

7. Гулшанийнинг ўзи томонидан ёзилган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиш йўллари изоҳи.

8. 1) Муаммо жанрига асосан ёзилган «Тўй ва тўёна» достони. 2) Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи муаммои манзума»сининг таржимаси.

Ёзувчи Мурод Хидирнинг гувоҳлик беришича, Гулшаний Шаҳрисабз беклигида яшаб ижод қилган юз-дан зиёд шоирларнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи тазкира ҳам тартиб берган. Лекин асар қўлёзмаси йўқолган. Бу билан бирга шоир Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое» асарини ҳам таржима қилганлигини билдиради⁶. Мазкур таржима ҳам шоир архивида мавжуд эмас.

Гулшаний ижодида туркий ва форс тилларидаги газал, мухаммас, рубоий, маснавийлари билан бирга муаммо жанридаги шеърлар ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбек адабиёти тарихида XV-XIX ва XX аср бошларда Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Убайдуллоҳон Убайдий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Комил Девоний, Нодим Намангоний, Султоний, Комёб сингари қатор калам соҳиблари муаммо жанрида ижод қилганлар. XX асрнинг иккинчи чорагидан кейин бу жанрда асарлар битган шоир сифатида биргина Гулшаний номини кўрсатиш мумкин.

Абдулла қотиб Бухорода ўқиб юрган чоғларида муаммо жанрига ниҳоятда қизиққанлиги боис Идрис махзум деган кишидан махсус дарс олганлигини қайд қилган. Лекин унинг қўлёзмалари ичида ўша даврда ёзилган муаммолардан намуналар кўринмайди. Шоирнинг кейинчалик ёзилган муаммолари унинг «Муаммоёт» ва «Тўй ва тўёна» қўлёзмалари таркибида жамланган.

Гулшаний муаммоларини ҳам икки тилда ёзган. Буларнинг «Муаммоёт» қўлёзмаси таркибига кирган қисми 1961-1966 йилларда тартиб берилган бўлиб, турли шахс ва шаҳар номларига айтилган.

⁶ Гулшаний архиви. Муаммоёт. 53-бет.

Шахслар номига айтилган муаммоларнинг аксари шоир билан ёзишмалар олиб борган кишиларга битилган. Шу сабабли ҳам «Муросалот тариқа муаммо» деб аталади. Уларни икки тоифага бўлиш мумкин: биринчиси шоир билан яқиндан таниш бўлган киши номлари ва иккинчиси шоир билан бир даврда яшаб, ҳамкорлик қилган машҳур кишиларнинг номлари. Номлар куйидагилар: Ҳожи Акбархон, Мансур ака, Абдулманнон, Исмоилхон қори, Юсуфжон, қори Абдулла, Аббосхон ва Бобохон, Азимжон ҳамда Аҳмад, Муфти Зиёвуддин Бобохоновга бағишланган «Муфти ҳазрат Зиёвуддин маддаллоху зилола жалола зияда умра», навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов номига ёзилган иккита «Ҳамид Сулаймоний», олим Тожи Қораевга ёзилган «Тожижон Қораев», «Тожижон», академик Воҳид Абдуллаев исми чиқадиган «Воҳид Абдуллаев». Шаҳарларга бағишлаб ёзган муаммоларидан Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қарши, Шаҳрисабз, Қамашши, Бешкент, Ғузор номлари чиқади.

Умуман, бу китобга Гулшаний қаламига мансуб 44 та, муаллифи номаълум 46 та туркий ҳамда форсий муаммо киритилган.

Қўлёзмада муаллиф муаммолардан исмни чиқариш ўзи яшаётган давр китобхонларига қийинлигини ҳисобга олиб, ечимини ҳам кўрсатиб берган. Шунингдек, баъзи исм ёки исм бўлакгини ҳосил қилишдаги мураккабликларга махсус «Изоҳ», «Танбеҳ» ва «Табсира»лар орқали ойдинлик киритиб борган. Шу аснода бир йўла ўша исмни ҳосил қилишда диққатни қаратиш лозим бўлган томонлар, иштирок этадиган амалларнинг номлари, қайси гуруҳга мансублиги айтиб ўтилиб, улар таркибидаги имо-ишора сўзлардан мисоллар келтирилади.

Китоб адабиёт ихлосмандлари учун муаммо жанрини ўрганишда ўқув қўлланмаси вазифасини ҳам ўташи назарда тутилган. Шу сабабли исм бўлакларини ҳосил қилиш йўллари содда, раво тилда, қисқа ҳамда лўнда тарзда берилиб, ўқувчини чалкаштирадиган ортиқча тафсилотларга йўл қўйилмаган.

Шунингдек, шоир томонидан битилган «Мурасалот тариқа муаммолар» туркумини ўзбек адабиётида илк бор Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида учрайдиган мактубга қўшиб мактуб олувчига аталган муаммо ёзишнинг ўзига хос давоми, дейиш мумкин.

Бу билан бирга Гулшаний қаламига мансуб юқорида зикр этиб ўтилган ишқ, муҳаббат, вафони куйловчи «Тўй ва тўёна» достони ҳам муҳим адабий воқеа ҳисобланади. Достон шоирнинг набираси Муротжон ва унинг севгилиси Меҳринисоларга бағишланган. 33 байтдан иборат маснавийда битилган достоннинг ҳар бир мисрасига икки севишган ёшдан бирининг исми яширилган⁷.

Абдулла Гулшанийнинг муаммо жанри борасида амалга оширган ишларидан яна бири Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний»сига кирган туркий муаммолар ва «Мажолис ун-нафоис»даги муаммогўй шоирлар ижодидан намуна сифатида берилган мисолларнинг ечимини кўрсатганлигидир.

Маълумки, Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний»сидаги муаммоларнинг ечими Л.Зоҳидов томонидан амалга оширилган. Гулшаний ҳам мазкур муаммоларнинг ечимини келтиради. Лекин икки олим кўрсатган ечимлар қиёсланганда уларнинг матни ва исми ҳосил қилишда қўлланган амаллар изоҳидаги фарқлар кўзга ташланади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида турли давр ва адабий доира ижодкорларини таништириш билан бирга уларнинг қайси жанрда иқтидори кўпроқ намоён бўлишини кўрсатишга ҳам аҳамият берилган. Жумладан, «Мажолис ун-нафоис»даги 459 шоирнинг 70 таси (салкам 20 фоизи) муаммо жанрида қалам тебратганлиги, уларнинг баъзилари «Муаммо рисоласи» ҳам ёзганлиги қайд этилган. Навоий улар

⁷ Ҳажман кичик бўлишига қарамай муаллиф китобчани достон деб ёзди. Шу боис биз ҳам шу атамани қабул қилишни маъқул кўрдик.

ҳақида сўз юритиб, ёзган муаммо жанридаги шеърларидан намуналар келтирган. Муаммоларнинг мазмуни ва ечими ўз даври китобхонлари учун тушунарли бўлганлиги сабабли муаллиф бунинг устида тўхтаб ўтирмаган. Лекин XX асрдан кейин муаммо жанрининг адабий жараёндаги истифодадан чиқиб кетиши натижасида унинг ечими оддий адабиёт ихлосманди у ёқда турсин, адабиётшуносларга ҳам қийинчилик туғдира бошлади. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилган «Мажолис ун-нафоис» нашрларида муаммоларнинг ечими кўрсатилмай, фақат мазмунини келтириш билан чекланилган.

Тўғри, такзирадаги Мавлоно Муҳаммад Муаммоийнинг «Юсуф» ва Сайфий Бухорийнинг «Қабул» номига ёзган муаммосининг ечими Садриддий Айнийнинг «Мажолис ун-нафоис»га оид тадиқотларидан ўрин олган. Шунингдек, Аълоий Шошийнинг «Бобур», Юсуф Андижонийнинг «Мансур», Мир Ҳусайн Нишопурийнинг «Носир» номига ёзилган муаммоларининг ечимини Лутфулло Зоҳидов Навоийнинг «Муфрадот» рисоласига бағишланган диссертациясида, Ҳофиз Саъднинг «Аҳмад Мирак» номига ёзган муаммоси ечими тазкиранинг 1997 йилги нашрида Суйима Ғаниева томонидан кўрсатилган. Албатта, булар барча муаммоларнинг ечими дегани эмас.

Гулшаний «Мажолис ун-нафоис»даги 63 та муаммони ҳал қилиш йўллари кўрсатади. Муаммолар ечимини 1961 йилда навоийшунос Суйима Ғаниева томонидан нашрга тайёрланган илмий-танқидий матни асосида бажарган. Гарчи мазкур ечимлар тазикранинг илмий-танқидий матни асосида амалга оширилган бўлишига қарамай, айрим номувофиқликлар учрайди. Масалан «Фарид» номига муаммо ёзган Сайид Қутб Лакданг Гулшаний матнида «Мавлоно Комий», «Мансур» номига муаммо ёзган Юсуф Андижоний эса «Мавлоно Сафойй» деб кўрсатилиб, қайси асосга кўра бундай ўзгартириш киритганлигини айтмаган.

Шу ўринда Гулшанийнинг муаммолар ечимини кўрсатиш асносида ўзини Шарқ мумтоз адабиёти матнини яхши билишини нимоён қила олганлигини ҳам эътироф этиб ўтиш лозим. Абдулла котиб муаммоларнинг ечимини кўрсатиб бераётиб, танқидий матн борасида ҳам ўз фикрларини баён қилиб ўтади. Жумладан, Ҳофиз Саъднинг «Аҳмад Мирак» номига ёзган муаммосининг матни агар «Л» нусхага асосланганда ечими нима сабабга кўра чиқмаслигини исбот асосида кўрсатиб ўтади. Шунингдек, Гулшаний муаммоларнинг ўзбек тилига таржимаси, зарур ҳолларда иштирок этаётган муаммо амалларига изоҳларни ҳам беради.

Хулоса қилиб айтганда, муаммолар ечимининг кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилиши Навоий асарлари нашрида мукамалликка эришиш ва илмий аҳамиятини кўрсатишда муҳимдир.

Мир Алишер Навоий. Мир Алишер Навоий ҳазратларининг «Хазойин ул-маъоний» китобидаги муаммолари. Гулшаний Кеший Абдулла Раҳмон ўгли масъалаларни ешди ва ҳал қилди. Адрес: Қамаши ройўн Озод кўча, уй нўмир 51.

(2)⁸ Сўз боши

Яқинда жаноб Мир Алишер Навоий ҳазратларининг 525 йиллик тўйини ҳукуматимиз ҳамда халқимиз нишонладилар. Камина мазкур тўйни муносиб совға билан қарши олиш учун ҳаёлимга тасаввур ўтди. Бу ҳаёлни самаралик бўлиш учун муаммочилик соҳасида бир анчагина иш қилдим. Аввалан бор, «Мажолис ун-нафоис» номидаги китобда ёзилган тақрибан етмиш саккиз муаммони ҳал (3) қилиб, китоб шаклида киргиздим. Ниҳоят, «Хазойин ул-маъоний» номлиқ китобда эллик уч адад муаммони ҳал қилиб, китоб шаклида киргиздим. Албатта, бу ишларим олимларимиз ва халқимизга манзур бўлса, ўзимни бахтиёр деб ҳис қилар эдим. Агар ушбу қилган ишимда хатоларга йўл қўйган бўлсам, афу қилгайлар. Ёзгувчи Абдулла Раҳмонуф (Гулшаний).

⁸ Қавс ичидагилар Гулшаний қўлёзмаси бетларининг рақами.

«ХАЗОЙИН УЛ-МАЪОНИЙ»ДАГИ МУАММОЛАР

(4) 1. «Одам» номида муаммо:

قان توکار کوزدین⁹ دمامد اشک و هکیم¹⁰ هر زمان
باغلا نیب آهیم دین ایلا ر کوک غه میل اول قطره قان

Қон тўқар кўздин дамодам ашк, ваҳким ҳар замон,
Боғланиб оҳимдин айлар кўкға майл ул қатра қон.

Исм моддаси «دمادم» (дамодам) дур. Бу исқот амали билан бажарилур. Чунончи «قان» (қон) ни муродифи «دم» (дам). Агар мазкур «دم» «دمادم» («дамодам» → «дам») дин тўқулса, яъни соқит қилинса, «آدم» («Одам») қолади.

2. «Аҳмад» номида муаммо:

میدا ایکی یوز اگر کورساتماسه¹¹ اول مه جبین(5)
درد دردین ایستابان جان بیرماغای¹² اهل یقین

Майда икки юз агар кўрсатмаса ул маҳжабин,
Дурд дардин истабон жон бермағай аҳли яқин.

Ҳал қилиш: Бу муаммо икки хил амал билан бажарилур. Биринчи интиқод амали билан. Чунончи, исм моддаси «می» (май), «اول» (ул), «جبین» (жабин), «درد»

⁹ Муаммолар ечимларини нашрга тайёрлаш жараёнида уларни ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги Навоий қўлёзмалари билан солиштирганимизда айрим матний фарқлар мавжудлиги аниқланди ва биз уларни кўрситиб ўтишни маъқул топдик. 698-рақамли қўлёзмада (Бундан кейинги ўринларда уни шартли равишда А деб кўрсатамиз) «کوزدین» ўзи «کوزیدین» деб ёзилган.

¹⁰ 150-рақамли қўлёзма. Бундан кейин В деб кўрсатилади. هر йўқ.

¹¹ 147-рақамли қўлёзма. Бундан кейинги ўринларда Б деб кўрсатилади. ب. کورگوزماسه.

¹² Б. بیرمگان.

(дурд) калималаридур. Масалан, «می» (май)ни юзи «م» (мим) ҳарфи, «اول» (ул) ни юзи «الف» (алиф) ҳарфи, «جبین» (жабин)ни юзи «ج» (жим) ҳарфидур. «درد» (дурд) ни даври, яъни охири ҳарфи «د» (дол) ҳарфини олиб таркиб берганда (6) «ماجد» (можид) бўлади. Мазкур исм қаринасига асосан қалб қилинганда «اجمد» (ажмад) бўлади. Тасҳиф қилинганда, яъни «اجمد» (ажмад) ни нуқта-си олиб ташланганда «احمد» (Аҳмад) бўлур.

Иккинчи амал ҳисоб билан. Исм моддаси «ایکی یوز» (икки юз), «درد» (дурд), «جبین» (жабин) калималаридурлар. Чунончи, «یوز» (юз) калимаси жуммал ҳисобида 23 бўлади. Мазкур 23 яна бир мартаба юз кўрсатса, 46 бўлади. «جبین» (жабин)ни юзи «ج» (жим) ҳарфи жуммал ҳисобида 3 дур. «درد» (дурд) ва «درد» (дурд) «د» (дол) ҳарфи жуммал ҳисобида тўртдур. 49 ададга кўшганда (7) 53 бўлади. «احمد» (Аҳмад) номини ҳам мажмуъи рақами 53 дур.

Ва яна «Боқи» ва «Боқир» номларида 3-4.

جنت گل¹³ نسرینی گه بولسانگ مشتاق
گه یار یوزی گه گه کف و پایی گه باق

Жаннат гули насринига бўлсанг муштоқ,
Гаҳ ёр юзига, гаҳ кафу пойига боқ.

Ҳал қилиш: «гоҳо ёр юзига боқса», яъни «یار» (ёр)ни юзи «ی» (ё) ҳарфи «باقی» (боқ) га таркиб топса, «باقی» (Боқи) бўлур. «Гоҳо ёр кафу пойига боқса», яъни «یا» (йо) ни «кафу пой»и «ر» (ре) ҳарфи «باق» (боқ)га таркиб топса, «باقر» (Боқир) бўлади.

(8) 5. Ва яна «Баҳо» номида:

دیر ارا کیر پندنی گوش ایلا گیل
باده بی شک صاف ایرور نوش ایلا گیل

¹³ A.B. گل و. B. گلی.

Дайр аро кир, пандни гўш айлагил,
Бода бешак соф эрур, нўш айлагил.

Ҳал қилиш: исм моддаси «¹⁴باده» (бода)дур. Чунончи, «¹⁴باده» (бода) ўртасидаги «¹⁴د» (дол) ҳарфи соқит қилинса, «¹⁴باه» (боҳ)қолур. Қалб қилинганда «¹⁴بها» (Баҳо) бўлур.

6. Ва яна муаммо «**Тақи**» номида:

مستقيم ايردى كونگول عشقيه اى آرام جان

اور تانور¹⁵ اول مستقيم ايمدى غميدى¹⁶ هر زمان

Мустақим эрди кўнгул ишқида, эй оромижон,
Ўрганур ул мустақим эмди ғамидин ҳар замон.

(9) Ҳал қилиш: исм моддаси «**мустқим**» (мустақим). Бу калимани таҳлил қилганда «**م-تقى-مس**» (мус- тақи-мим) бўлиб, уч жузвга бўлинув. Биринчи ва учинчи жузвлар ўртанса, яъни ёниб кетса, «**تقى**» (Тақи) боқи қолур.

7. Ва яна «**Тож**» номида:

يوز كونگل صيدىن اجل داميدىن آزاد ايلادى

تا جمالينگ تابلغ زلفينى بر باد ايلادى

Юз кўнгул сайдин ажал домидин озод айлади,
То жамолинг тоблғ зулфини барбод айлади.

Ҳал қилиш: исм моддаси «**та жамолинг**» (то жамолинг) тоблғдур. (10) Мазкур таҳлил қилинганда «**تاج مالينگ**» (тож-молинг), «**مالينگ**» (молинг) тоб берилса, «**لامينگ**» (ломинг) бўлур. (Яна «зулфини барбод айлади» дейилган-Ж.Ж.) «**زلف**» (зулф) дин мурод «**لام**» (лом). «**تاج مالينگ**» (тож молинг) дан «**لامينگ**» (ломинг) исқот қилинса, «**تاج**» (Тож) қолур.

8. Ва яна «**Самуд**» номида:

تتيمده داغلار اوزره غمينگ كه اور تادى داغ

كوريندى¹⁷ اوزگاچه اول داغدين تتيمده فراغ

Танимда доғлар узра ғамингки, ўртади доғ,
Кўринди ўзгача ул доғдин танимда фароғ.

Ҳал қилиш: исм моддаси «**كوريندى**» (кўринди). Мазкурни муродифи «**نمود**» (намуд) дур. «**نمود**» (намуд) узра яна доғлар пайдо бўлса, доғлардан мурод нуқталардандур. (11) Нуқталар араб сарфида учдан зиёда бўлмай-дур. Демак, «**نمود**» (намуд) узра яна икки нуқта қўйганда «**ثمود**» (Самуд) бўлур.

9. Ва яна муаммо «**Жунайд**» номида:

اه اوقين جاندين كه چيكسام اول پريوش ياديدن
قالماس اول ياديمدا هم فرياد انينگ بيداديدن

Оҳ ўқин жондин ки чексам ул париваш ёдидин,
Қолмас ул ёдимда ҳам фарёд анинг бедодидин.

Ҳал қилиш: исм моддаси «**جان**» (жон) ҳамда «**ياد**» (ёд) дур. Чунончи, «**آه**» (оҳ) ўқидан мурод «**الف**» (алиф) дур, мақсуди тамсилийдур. Мазкур «**الف**» (алиф) «**جان**» (жон)дан чекилса, «**جن**» (жун) қолур. «**جن**» (жун) «**ياد**» (ёд)дан чекилса, (12) «**يد**» (йид) қолур. «**جن**» (жун) ва «**يد**» (йид) ни таркиб берганда «**جنيد**» (Жунайд) ҳосил бўлади.

10. Ва яна муаммо «**Жаъфар**» номида:

جاناندين آيرو تاپدى كونگل عمردين ملال

اوزدين كيچيب تور ايمديو ايلار وفا خيال

Жонондин айру топди кўнгул умридин малол,
Ўздин кечибув тур аймар вафо хаёл.

Ҳосил қилиш: исм моддаси «**عمر**» (умр), «**كيچيب**» (кечиб), «**وفا**» (вафо) калималаридурлар. Чунончи, «**عمر**» (умр)ни дили «**م**» (мим) ҳарфи ўзидин кечганда «**عر**» (ар) қолур. «**كيچيب**» (кечиб) ни дили «**چ**» (чим) ҳарфи икки атрофидан кечганда «**چچ**» (чим) қолур. Унинг тасҳиф этганда «**ج**» (жим) бўлур. «**وفا**» (вафо) ни (13) дили икки атрофидан кечса, «**ف**» (ф) қолур. Таркиб берганингизда «**عر جف**» (аржаф) бўлур. Қалби эса «**جعفر**» (Жаъфар) бўлур.

11. Ва яна «**Ҳасан**» номида муаммо:

¹⁴ Қўлэзмада باد. Гулшаний қўлэзмаси бундан кейин шартли тарзда Г деб кўрсатилади.

¹⁵ Г. اور تانور.

¹⁶ Б. غميدى.

¹⁷ АВ. كوريندى.

قاشينگ كرشمه سى¹⁸ چككالى غمزا داسين
ينگى¹⁹ آى نىگ اوستيدا كورگوزدى ياسين

Қошинг карашмасы чеккали ғамзадосин,
Янги ойнинг устида кўргузди ёсин.

Ҳал қилиш: Исм моддаси «قاش» (қош) ҳамда «سن» (син) дур. Чунончи «قاش» (қош) ни (14) муродифи «حاجب» (ҳожиб) дур. Мазкур ўзини карашмаларини йўқотса, яъни нуқталиқ ҳарфларни тўкса, «ح» (ҳ) қолур. Мазкур «ح» (ҳ) янги ойдек «سن» (син) устида тулуъ қилса, «حسن» (Ҳасан) бўлур.

Иккинчи амал: Исм моддаси «قاش» (қош), «ينگى آى» (янги ой), «سى» (си), «يا» (йо) калималаридур. «قاشينگ» (қошинг) дан мурод «حاجب» (ҳожиб) дур. Жуммал ҳисобида 14. «ينگى آى» (янги ой) дан мурод «يوز» (юз) дур, (абжадда) 23 дур. «سى» (си) жуммал ҳисобида 70 дур. «يا» (йо) жуммал ҳисобида 11 дур. Мажмуъи 118 дур.

12. Ва яна муаммо «Ҳамза» номида:

ياشون اى گل كه اول گلر و خ جمالى
ايرو ر هم ساده يو²⁰ هم تازه خيالى

Ёшун эй гул, ки ул гулрух жамоли,
Эрур ҳам содаю ҳам тоза хаёли.

Ҳал қилиш: Исм моддаси «جمالى» (жамоли) «جم» (жам) Чунончи, «جمالى» (жамоли) ни таҳлил берганда «جم» (жам) - «الى» (оли) бўлиб, икки жузвга бўлунур. Исм қаринаси билан биринчи жузв, (15) яъни «جم» (жам) муроддир. Музкур «جم» (жам) сода бўлса, яъни нуқтаси олиб ташланганда «جم» (ҳам) бўлур. «تازه» (тоза) таҳлил қилинса, «ت» (то) - «زه» (за) бўлиб, икки жузвга бўлиниб, иккинчи жузв, яъни «زه» (за) муроддир. Мазкур «زه» (за) «جم» (ҳам) билан таркиб топганда, «حمزه» бўлур.

¹⁸ گوشه سى A.B.

¹⁹ يانگى A.

²⁰ و A.

13. Ва яна «Холид» номида муаммо:

نقطهء مشكين كه اول يوز اوزره بولميش جلوه گر
تا حسابين انگلاسون ايل يوز ياشور اى سيمبر

Нуқтаи мушкин ки ул юз узра бўлмиш жилвагар,
То ҳисобин англасун эл, юз ёшур, эй сиймбар.

Ҳал қилиш: «نقطهء مشكين» (нуқтаи мушкин) дан мурод «خال» (хол) дур. «ت» (то) дан (16) мурод «ت» (те) ҳарфидур. Бу ҳарфнинг ададий рақами абжади кабир ҳисоби билан 400 дур. Лекин абжади сағир ҳисобида 4 дур. Бу эса «د» (дол) ҳарфининг ададидур. Демак, «خال» (хол) ни ёнида «د» (дол) ҳарфи келса, «خالد» (Холид) ҳосил бўлур.

14. Ва яна муаммо «Хисрав» номида:

اول نهالى كيم قدينگ غه شبه يوق²¹ انداق نهال

باشيدا كورگوزسه يوز خورشيد اولور سندنين مثال

Ул ниҳоле ким қадингга шабеҳ йўқ андоқ ниҳол,
Бошида кўргузса юз, хуршид ўлур сандин мисол.

Ҳал қилиш: «نهال» (ниҳол) дин мурод «سرو» (сарв) дур. Мазкур «سرو» (сарв) (17) ўз бошида «خورشيد» (хуршид) ни юзи бўлган «خ» (хе) ҳарфини кўргузса, «خسرو» (Хисрав) бўлур.

15. Ва яна «Довуд» номида муаммо:

اوت توشتي دودي ارا فرقتيدين²²

تا كويديو اور تاندى كونگل حرقتى دين

Ўт тушти дуди аро фуқатидин,

То куйдию ўртанди кўнгил ҳирқатидин.

Ҳал қилиш: «اوت» (ўт) ни «الف» (алиф) дур, ўртасида тушса, «اوت» (ўт) даги «ت» (те) ҳарфи ёнса, ҳамда уни дили бўлган «و» (вов) ҳарфи ёнса «داود» (Довуд) бўлур.

16. Ва яна «Шукрилло» номида муаммо:

قرا ايردي كوزوم هجرينك دان اى ماه

ينه كوردوم يوزونكنى شكر الله

²¹ يوق شبيه A.B.V.

²² اوت توشتي دميدىن دودي ارا فرقتيدىن: Бу мисара А ва Б нусхада мана бундай:
اوت توشتي دميدىن دودي ارا فرقتيدىن: (150-рақамли қўлёзма), С (459-рақамли қўлёзма):

Қаро эрди кўзум ҳажрингдан, эй моҳ,
Яна кўрдум юзингни шукриллоҳ.

Ҳал қилиш: бу тасреъ амали билан зоҳир ва хувайдо бўлур.

17. Ва яна муаммо «Садик» номида:

يوزونگ بىلا²³ يوزومه كاش بولسه اويلا²⁴ وصال

كه بولمسه ارا لارينده غيرى²⁵ اول خط و خال

Юзунг била юзума кош бўлса ўйла висол,

Ки бўлмаса ароларинда ғайри ул хату хол.

Ҳал қилиш: (19) яъни «يوز» (юз) дан мурод «صد» (сад), иккинчи «يوز» (юз) дан мурод «قاف» (қоф) ҳарфи-дур. Ва яна «كوز» (кўз) дан мурод «ي» (йо) ҳарфи «صد» (сад) ва «ق» (қоф) аросида кирса, «صديق» (Садик) бўлур.

18-19. Ва яна муаммо «Сафи» ва «Сафо» номида:

قصدي جانيمغه چو مژگانينگ ايكي صف توزدى²⁶

برى قاش ياسى برى غمزه²⁷ اوقين كيرگوزدى²⁸

Қасди жонимға чу мужгонинг икки саф тузди,

Бири қош ёси, бири ғамза ўқин киргузди.

Ҳал қилиш: исм моддаси «صف» (саф), «قاش ياسى» (қош йоси), «غمزه اوقى» (ғамза ўқи) дур. Чунончи, «صف» (саф) га «ي» (йо) кўшулса, (20) «صفي» (Сафи) бўлур. Ва яна «غمزه اوقى» (ғамза ўқи) дин мурод, «الف» (алиф) дур. Мазкур «صف» (саф) билан таркиб топса, «صفا» (сафо) ҳосил бўлур.

20. Муаммо «Дарвиш» номида:

هر نى تا پسانگ دور ارا ساقى اياغقه سالانى

يوز كوراردين اوتدى²⁹ ايش توت³⁰ ايمدى ملا مالانى

²³ A. بيله.

²⁴ B. ايله.

²⁵ B. B. غير.

²⁶ B. چيكتي.

²⁷ A. B. غمزنك.

²⁸ A. B. كورگوزدي.

²⁹ A. B. اوتى.

³⁰ A. قوي.

Ҳар не топсанг давр аро соқий аёғқа сол ани,
Юз кўрардин ўтди иш, тут эмди мало-мол ани.

Ҳал қилиш: исм моддаси «دور» (давр) дур ва ҳамда «ايش» (иш) дур. Айланса³¹, «درو» (дарв) бўлур. «الف» (иш) калимасининг юзи соқит бўлса, яъни (21) «الف» (алиф) ҳарфи ташланса, «يش» (иш) бўлур. Мазкур «درو» (дарв) билан таркиб топганда, «درويش» (Дарвиш) ҳосил бўлур.

21. «Зуннун» номида муаммо:

وصل سعيدين ايميش عشق اهلي اچره ماجرا

ذوقدين كوركيم يوزوم آلتونديك اولميش عشق ارا

Васл саъидин эмиш ишқ аҳли ичра можаро,

Завқдин кўр ким, юзум олтундек ўлмиш ишқ аро.

Ҳал қилиш: исм моддаси: «ذوق» (завқ), «آلتون» (олтун) дур. «ذوق» (завқ) ни юзи «ذو» (зу) дур. «آلتون» (олтун) нинг тажниси «النون» (алнун) дур. «ذو» (зу) билан таркиби «ذو النون» (Зуннун) бўлур.

22. Ва яна «Рустам» номида муаммо:

نچه كيم يار ستم ايتكان ايله³² اوزدى وفا

يادين ايتگانچه آتى ورد زبان بولدى منگا

Неча ким ёр ситам эткон ила узди вафо,

Ёдин этгонча оти вирди забон бўлди манго.

Ҳал қилиш: исм моддаси: «يار ستم» (ёр ситам) кали-масидур. «يار ستم» (ёр ситам) дин «يه» (йо) вафосини узса, яъни соқит бўлса, «رستم» (Рустам) ҳосил бўлур.

23. Ва яна муаммо «Ражаб» номида:

آى و³³ قوياش ايلادى³⁴ يوزونگ بيله دعوى

بیزگه الاردين عجب بولدى³⁵ بو معنى

³¹ Бу ерда Гулшаний «دور» (давр) сўзидаги ҳарфлар қалб амалига кўра ўрин алмашса, демоқда.

³² A. ايله.

³³ B. و يۇق.

³⁴ A. اولميش; B. ايلامش.

³⁵ A. B. B. كوروندي.

нинг таҳлил берганда «سا» (so) - «مان» (мон) бўлиб, муаммой маънига эга бўлган икки жузвга бўлинурки, «سامان» (сомон) калимасидан «سا» (so) чиқсун деганидур. Иккинчи жузв, яъни «مان» (мон) муроддур. «آياغ» (оёғ) ни муродифи «رجل» (режл). Мазкур «رجل» (режл) калимасининг «оёғи» «ل» (лом) ҳарфи. Мазкур «مان» (мон) га қўшганда «لمان» (лмон) бўлур. Ва яна «باش» (бош) ни муродифи «سر» (сар). Мазкурни боши «س» (син) ҳарфи. (29) Мазкур «لمان» (лмон) га таркиб тофганда «سلمان» (Салмон) исми ҳосил бўлур.

29. Ва яна муаммо «Шоҳ» номида:

جان قوشى چو بولدى دانه خالى گه⁴⁶ زار
شاد اولديو حلقه ايلادى زلفى نى يار

Жон куши чу бўлди донан холига зор,
Шод ўлдию ҳалқа айлади зулфини ёр.

Ҳал қилиш: исм моддаси «شاد» (шод), «حلقه» (ҳалқа), «زلف» (зулф) дурлар. Чунончи, «زلف» (зулф) дан мурод «دال» (дол) ҳарфидур. Мазкур «شاد» (шод) калимасини ўзини зулфини ҳалқа қилса, «حلقه» (ҳалқа) дан мурод (30) «د» гирдак⁴⁷ ҳарфидур. Яъни, «دال» (дол) ҳарфи «د» (ҳойи ҳавваз) гирдак ҳарфига табдил топса, мазкур «شاد» (шод), «شاه» (шоҳ) бўлур.

30. Ва яна муаммо «Зиё» номида:

گل اور اقين صبا قيلدى پریشان
قبول ايتدى نچه کيم تاپدى امکان⁴⁸

Гул авроқин сабо қилди паришон,
Қабул этди нечаким, топди имкон.

Ҳал қилиш: исм моддаси «صبه» (сабо)дур. «صبه» (сабо) ни тасҳиф берганда, яъни «صبه» (сабо)ни «ص» (сод)

⁴⁶ A. B. B. خالينه.

⁴⁷ Ҳойи ҳавваз кўриниши думалоқ шаклда бўлганлиги учун Гулшаний уни «ҳойи гирдак», яъни «думалоқ ҳо» деб қайд қилган.

⁴⁸ B. B. پنهان.

ҳарфини устида нукта берилса, «ض» (зод) бўладур. Яъни «ب» (31) «ب» «صبه» (забо) бўлур. Ва яна мазкур «صبه» (забо)ни (31) «ب» (бе) ҳарфини нуктасини тағйир бериб, икки нукта берилса, мазкур «ب» (бо) «يا» (йо) бўлур. Демак, «صبه» (забо) «ضيه» (Зиё) бўлур.

Тасҳиф, деб муаммо фанида ана шундай нукталарни тағйир бермоққа айтилади.

31. Ва яна «Тоҳир» номида муаммо:

گرهين⁴⁹ طره دين تا آچدى ماهيم
پریشان قيلدى آنى فى الحال⁵⁰ آهيم

Гирехин туррадин то очди моҳим,
Паришон қилди онн филҳол оҳим.

Ҳал қилиш: исм моддаси «طره» (турра), «آهيم» (оҳим) калималаридурлар. (32) Демак, «آهيم» (оҳим) калимасидаги «ا» (алиф) ҳарфи «طره» (турра) га дохил бўлур, «паришон» қилса, «طاهر» (Тоҳир) исми ҳосил бўлур.

32. Ва яна муаммо «Толиб» номида:

اغيز لى گه⁵¹ چو قويدوم ينه⁵² طلب قىلايين
که غير نقشى کيم⁵³ اولغای ينه طرب قلايين

Оғиз лабига чу қўйдум, яна талаб қилойин,
Ки ғайр нақши ким ўлғай, яна тараб қилойин.

Ҳал қилиш: исм моддаси «اغيز لى گه» (оғиз лабига) ҳамда «طلب» (талаб) калималаридурлар. Чунончи оғизни лаби - «ا» (алиф) ҳарфи «لب» (лаб) лабига келса, «طلب» (олиб) бўлур. «طلب» (талаб) калимасининг лаби «ط» (то) ҳарфи «لب» (олиб) (33) лабига келса, «طالب» (Толиб) исми ҳосил бўлур.

33. Ва яна муаммо «Зоҳир» номида:

⁴⁹ A. B. B. گره ني.

⁵⁰ B. B. في الحال ني.

⁵¹ A. B. لى غه.

⁵² B. ينه يۇق.

⁵³ B. B. كم.

Бизга алардин ажаб бўлди бу маъно.

(23) Ҳал қилиш: Исм моддаси «آي» (ой) ва «قوياش» (қуёш) ва «عجب» (ажаб) дур. Чунончи, «آي» (ой) ни муродифи «قمر» (қамар) дур. «قمر» (қамар) ни махсус ҳарфи³⁶ «ر» (р) дур. «قوياش» нинг махсус ҳарфи «ع» (айн) ҳарфидур. Демак, айн ҳарфи «عجب» (ажаб) дан соқит бўлса, «جب» (жаб) қолур. Мазкур «جب» (жаб) ни юқорида ҳосил бўлган «ر» (ре) ҳарфи билан таркиб бўлса, «رجب» (Ражаб) ҳосил бўлур.

24. Ва яна муаммо «Зайни» ва «Зайд» номида³⁷.

کوز اوچی قاشی یاسیدور ساحر

اني ياد آل الاردين اي سامر

Кўз учи, қоши ёсидур соҳир,

Они ёд ол алардин, эй сомир.

(24) Ҳал қилиш: «Зайни» исмининг чиқиши: Исм моддаси «كوز اوچي», (кўз учи) «قاشى ياسى» (қоши ёси), «انى» (ани) калималаридур. Чунончи, «كوز اوچي» (кўз учи) (дан мурод) «ز» (зе) ҳарфи. «قاشى ياسى» (қоши ёси) дан мурод «ي» (йо) ҳарфи. «انى» (ани) дан мурод «ني» (ни) ҳарфий мажмуъ. Ҳарфлар таркиб берилганда «زيني» (Зайни) бўлур.

25. «Зайд» номини чиқиши:

Исм моддаси «*كوز اوچي*» (кўз учи), «*قاشى ياسى*» (қоши ёси), «*ياد آل*» (ёд ол) калималаридур. Чунончи, «*كوز اوچي*» (кўз учи) дин мурод «*ز*» (зе) ҳарфи. «*قاشى ياسى*» (қоши ёси) дин (25) мурод «*ي*» (йо) ҳарфи. Таркиб берилса, «*زي*» (зай) бўлур. «*ياد آل*» (ёд ол) калимасини таҳлил берганда «*ياد*»-«*آل*» (йод-дол) ҳарфидан иборатдур. Мазкур «*زي*» (зай) га «*آل*» (дол) ҳарфи таркиб топса, «*زيد*» (Зайд) исм(и) ҳосил бўлур.

26. Ва яна муаммо «Зохид» номида.

آی یوزینده خالنی کورگاچ اول آی تاپدی جمال
آخر اول یوزدین که یاپتی⁴⁰ وهکه پنهان بولدی خال

36 ИЗОХГА ҚАРАНГ: МАХСУС ҲАРФ

37 Бошқа нусхаларда фақат “Зайд” номи кўрсатилган.

³⁸ Б. Батӣ; В. Олдин Батӣ ёзилиб, кейин ئايدى بۇلىشى مۇمكىنلىگى билдирилган.

39 Б. اول йўқ.

⁴⁰ В. Олдин *ياپىتى* ёзилиб, кейин *таپتى* бўлиши мумкинлиги билдирилган.

Ой юзинда холни кўргач, ул ой топди жамол,
Охир ул юздинки ёпти, ваҳки пинҳон бўлди хол.

Ҳал қилиш: (26) исм моддаси «أي» (ой), «خال» (хол), «دين» (дин), «وه» (ваҳ) калималаридур. Чунончи, «أي» (ой)ни муродифи «قمر» (қамар). Мазкур «قمر» (қамар) дан махсус ҳарфи «ز» (зе)⁴¹ ҳарфидур. «خال» (хол) дан мурод нуқтадур. Мазкур «ر» (ре) ҳарфига нуқта бўлса, «ز» (зе) ҳарфи бўлур. Ва яна «أي» (ой) ни юзи «ا» (алиф) ҳарфи «ز» (зе) билан таркиб топганда «زا» (зо) бўлур. Ва яна «وه» (ваҳ) нинг юзи ёпилса, яъни «و» (вов) ҳарфи соқит қилинса, «ه» (ҳе) ҳарфи қолур. Ва яна «دين» (дин) ни юзи «د» (дол) ҳарфи. Бу ҳарф мазкур «ه» (ҳе) ҳарфи билан таркиб топса, «هد» (ҳид) бўлур. Мазкур «هد» (ҳид) «زا» (зо) билан таркиб топса, «زاهد» (Зо-ҳид) исми ҳосил бўлур.

(27) 27. Ва яна муаммоки, «Саъд» номида:

بو گلشن ایچره که یوقدور⁴² بقا گلی گه ثبات
عجب سعادت ایرور* یخشلیق بیلہ حقسه⁴³ آت

Бу гулшан ичраки, йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, яхшилиқ била чиқса от.

Ҳал қилиш: исм моддаси «سَعَادَت» (саъодат) ва «أَت» (от)дур. Чунончи, «سَعَادَت» (саъодат) калимасидан «أَت» (от) ҳарфлари чиқарилганда «سَعْد» (Саъд) номи ҳосил бўлади.

28. Ва яна муаммо «Салмон» номида: (28)

٤٤ قیلور ایسنگ منگا سامان ایا رفیق هوس
٤٥ انینگ آیاغیگا یتکور منینگ باشم نی و بس

Қилур эсанг манго сомон, аё рафиқ, ҳавас
Анинг оёғига еткур манинг бошимниву бас.

Ҳал қилиш: Исм моддаси «سامان» (сомон), «آياغ» (оёғ) ва «باش» (бош) дур. Чунончи, «سامان» (сомон) калимаси-

⁴¹ Гулшаний бу ўринда «ج» (зе) ҳарфи деб кўрсатган. Аслида «چ» (ре) бўлиши керак.

⁴² А.Б. Юлтур.

⁴³ چیقسه یخشی لیق بیله A, B, B.

44 B. ای.

⁴⁵ B. يا غيغه.

(б) бўлди ва бир парканд «м» (м) бўлди. Бир паркандни, яъни «м» (м) ҳарфини ташласангиз, соқит қилсангиз, ва дигар паркандники, «б» (б) ҳарфидан иборатдур, «غري» (ғари) га пайванд қилсангиз, «غريب» (Ғариб) ҳосил бўлур.

(38) 37. Ва яна муаммо «Ғайбий» номида:

سوز گه ایردی⁶⁸ ایکی لبینگ نی تکلمینگ⁶⁹
یا برگ گل نی ایکی ایردی⁷⁰ تبسمینگ⁷¹

Сўзга айирди икки лабингни такаллуминг,
Ё барги гулни икки айирди табассуминг.

Ҳал қилиш: исм моддаси «берг гул» (барги гул). Мазкурни муродифи «يفراغ» (яфроғ) дур. Мазкур «يفراغ» (яфроғ) ни иккига айирса, бир жониби «غ» (ғайн) ҳарфи ва бир томони «ي» (йо) ҳарфи. Таркиб берилса, «ب» (бе) ҳарфи. Мунда ададни зикр қилиб, ҳарфни ирода қилғондур. Таркиб, «غيب» (ғайб) бўлур. Ва яна «يا» (йо) дан мурод, (39) «ي» (йо) ҳарфидур. Мунда ҳарфий исмни зикр қилиб, ҳарфини ирода қилғондур. Мазкур, «ي» (йо) ҳарфини «غيب» (ғайб) га таркиб берилса, «غيبی» (Ғайбий) номи ҳосил бўлур.

38. Ва яна муаммо «Фарҳод» номида:

هر کچه کونگولوم غمینگ تاغیده فریاد ایلاگای
اویلاکیم⁷² فریاد فریادی نی فرهاد ایلاگای

Ҳар кеча кўнглум ғаминг тоғида фарёд айлағай,
Ўйлаким, фарёд фарёдини Фарҳод айлағай.

Ҳал қилиш: «فرهاد» (Фарҳод) исми тансис амали билан зоҳир ва ҳувайдодур.

39. Ва яна «Фаррух» номида муаммо:

⁶⁸ А. ۱۰۱۰۱۰۱۰; Б. ۱۰۱۰۱۰۱۰; В. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁶⁹ А. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁷⁰ А. ۱۰۱۰۱۰۱۰; Б. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁷¹ А. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁷² Б. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

اگر یوزونگ دین حسن ایلی یوزینده بر حال⁷³ ایتهسه فاش
اول اراده بیسر و پا ذره دیک کیرگای قویاش

Агар юзунгдин хусн эли юзинда бир ҳол этса фош,
Ул арода бесару по заррадек киргай қуёш.

Ҳал қилиш: исм моддаси «يوز» (юз), «فاش» (фош), «ذره» (зарра) дур. Чунончи, «يوز» (юз) дан мурод, «رخ» (рух) дур. Ва яна «فاش» (фош) ни юзи «ف» (фе) ҳарфидур. Мазкур «ف» (фе) ҳарфи «رخ» (рух) юзида зоҳир бўлса, «فرخ» (фарух) бўлур.

Ва яна «ذره» (зарра) бесару по бўлса, яъни мазкур «ذره» (зарра) дан «ذ» (зол) ва «ه» (хе) ҳарфларини олиб ташласа, «ر» (ре) ҳарфи қолур. Мазкур «ر» (ре) ҳарфи «فرخ» (фарух) орасида кирганда (41) икки ҳарф бир жинсдан бўлгани учун араб тили қоидалари(га) асосан идғом қилинса, «فرخ» (Фаррух) бўлур.

40. Ва яна «Қубод» номида муаммо:

ساچینگ غباری گهی یوز یاپار گهی یوز آچار
نی زلف دور که یاپار آنی* نی چونکه⁷⁴ مشک ساچار

Сочинг ғубори гаҳи юз ёпар, гаҳи юз очар,

Не зулфдурки, ёпар они, нечунки, мушк сочар.

Ҳал қилиш: исм моддаси «غبار» (ғубор), «يوز» (юз) ва «زلف» (зулф) дур. «غبار» (ғубор) ни гаҳи юзи ёпса, «юз» дан мурод «ق» (қоф) ҳарфи келса, «غبار» (ғубор), «قبار» (қубор) бўлади. «Зулф» дан мурод (42) «د» (дол) ҳарфидур. У «юз» ни очиб юборса, яъни «ر» (ре) ҳарфини ўрнини олса, мазкур «قبار» (қубор), «قباد» (Қубод) бўлур.

41. Ва яна «Қосим» номида муаммо:

رخساره سی⁷⁵ اوزره ای کونگل خال نیدور
زلفی ایاغی آستیده پامال نیدور

Қанӣ анӣ кӯрған сӣнӣ кӯрсе⁷⁶ мӣнӣ Һәм

کیم آهیم دان⁷⁷ آيرو ایل گه احوال نیدور

⁷³ Б. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁷⁴ Г дан бошқа нусхаларда.

⁷⁵ Б.В. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁷⁶ Б.В. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

⁷⁷ А. ۱۰۱۰۱۰۱۰; Б.В. ۱۰۱۰۱۰۱۰.

Рухсораси узра, эй кўнгул, хол недур,
Зулфи оёғи остида помол, недур,
Қани ани кўрган сени кўрса, мени ҳам,
Ким оҳимдан айру элга аҳвол недур.

Ҳал қилиш: (43) исм моддаси «қани» (қани), «ани» (ани), «сени» (сени), «мени» (мени) калималаридур. «қани» (қани) ни юзи «қ» (қоф) ҳарфи. «ани» (ани) ни юзи «а» (алиф) ҳарфи. Таркиб топса, «қа» (қо) ҳосил бўлур. «сени» (сени) ни юзи «с» (син) ҳарфи. «мени» (мени) (ни) юзи «м» (мим) ҳарфи. Бу икки ҳарф таркиб тофса, «см» (сим) бўлур. Мазкур «қа» (қо) билан «см» (сим) таркиб топганда «қасм» (Қосим) бўлур.

42. Ва яна «**Камол**» номида муаммо:

يوزونگ کيم قطره خوئی سیراب قيلمیش
گلی دور کيم سو ايچگاندان آچيلمیش

Юзунгим, қатра хўйи сероб қилмиш,
Гуледурким, су ичгандан очилмиш.

Ҳал қилиш: исм моддаси: «гул» (гул) ҳамда «су» (сув) дур. Чунончи, (44) «гул» (гул) ни тажниси «кул» (кул) дур. «су» (сув) ни муродифи «мо» (мо) дур. Мазкур «мо» (мо) «кул» (кул) ўртасида воқеъ бўлса, «комил» (Комил) исми ҳосил бўлур.

43. Ва яна «**Коко**» номида муаммо:

جان قيلغای ايکي يوزونگ گلی ساری شتاب
گر بولماسه ايکي سنبلينگدين قلاب

Жон қилғай икки юзунг гули сори шитоб,
Гар бўлмаса икки сунбулингдин қуллоб.

Ҳал қилиш: исм моддаси «гул» (гул) дур. «сунб» (сунбул) дан мурод, «зулф» дур. «Зулф» дан мурод «л» (лом) ҳарфидур. Араб хати услубига (45) асосан, мазкур «гул» (гул) даги «л» (лом) ҳарфи қалб сифатида монёъ бўлма-са, «а» (алиф) га қараб кўтарилса-ёзилса, яъни «кака» (ко-ко) суратида ёзилса, «како» (Коко) исми ҳосил бўлур.

⁷⁸ А.Б.В. يوزين.

44. Ва яна «**Лоло**» номида муаммо:

صبادين كوردی چون مشاط ايکي زلف نی⁷⁹ در هم
انينگ ديک اوچلارين کيستی که قطع اولدی گره لار هم

Сабодин кўрди, чун машшот икки зулфини дарҳам,
Анингдек учларин кестики, қатъ ўлди гириҳлар ҳам.
Ҳал қилиш: исм моддаси «зүлф» (зулф). «зүлф» (зулф) дан мурод «л» (лом) ҳарфидур. «л» (лом) ҳарфи ёзиш-да ушбу суратда (46) ёзилар: «л». Демак, икки зулфдан мурод икки «л» (лом). Чунончи, ушбу суратда «л л» эмди, «машшот» ҳақида сўз юритайлик. «Машшот» ни муродифи «тароқ» дур. «Тароқ» дан мурод «алиф» ҳар-фидур. Мазкур «л» (лом) ни, «а» (алиф) тароқ бўлиб, кесиб учини кесиб қўйса, мазкур «лом» ушбу суратда ёзилур. Масалан: «ла» (ло). Мазкур такрорланса, «лала» (Лоло) бўлур.

45. Ва яна муаммо «**Латиф**» номида:

صف چيکدی هر طرف يوزيدان کپرک⁸⁰ ای کونگل
اول شکل نی کوروب خرد و صبردان⁸¹ تونگول

Саф чекди ҳар тараф юзидан киприк, эй кўнгул,
Ул шаклни кўруб хираду сабрдан тўнгул.

(47) Ҳал қилиш: исм моддаси «саф» (саф), «тарф» (тароф), «кўнгул» (кўнгул), «юз» (юз) дур. Чунончи, «кўнгул» (кўнгул) ни тарафи «л» (лом) ҳарфи, «тарф» (тароф) ни тарафи «то» (то) ҳарфи. «юз» (юз) ни тара-фи «й» (йо) ҳарфи ҳамда «саф» (саф) ни тарафи «ф» (фе) ҳарфидур. Мазкур ҳосил бўлган ҳарфларни тартиб билан жамъ қилинганда «латиф» (Латиф) исми ҳосил бўладур.

46. «**Муҳсин**» номида муаммо:

مجلسده شيخ بو کيچه کوب شين باشلادی
سندوردی شمع و نقل نی حوض اچره تاشلادی

⁷⁹ زلفیني.

⁸⁰ کپرک. B. کپرک.

⁸¹ A. B. V. صبردين.

Мажлисида шайх бу кеча кўб шайн бошлади,
Синдурди шамъ ва нуқлини ҳавз ичра ташлади.

(48) Ҳал қилиш: исм моддаси «شمع» (шамъ), «نقل» (нуқл), «حوض» (ҳавз) дур. Чунончи, «شمع» (шамъ) синса, «شم» (шам) бўлур. Мазкур тасҳиф қилинса, «سم» (сам) бўлур. Қалб қилинса, «مس» (мас) бўлур. Ва яна «نقل» (нуқл) ни боши «ن» (нун) ҳарфи «سم» (сам) (аслида «مس» (мас) билан бўлиши керак. Бу ерда янглиш юз берган-Ж.Ж.) билан таркиби «مسن» (мси) бўлур. «حوض» (ҳавз) ни боши «ح» (ҳе) ҳарфи мазкур «مسن» (мси) ичинда бўлса, «محسن» (муҳсин) бўлур.

47. Ва яна «Мурод» номида муаммо:

لطفونگ يلى چو ايستى بو مردودغه فى الحال
ادبار نهايت عه يتيب كيلدى يوزى⁸³ اقبال

Лутфунг ели чу эсти бу мардудга филҳол,
Идбор ниҳоятга етиб, келди юзи иқбол.

(49) Ҳал қилиш: исм моддаси «مردود» (мардуд), «يوز» (юз), «اقبال» (иқбол). Чунончи, «مرد» (мард) тансис амали билан зоҳир ва ҳувайдодур. «اقبال» ни юзи «алиф» дур. Мазкур «مرد» (мард) ичинда дохил бўлса, «مراد» (Мурод) исми ҳосил бўлур.

48. Ва яна «Некпай» номида муаммо:

اوقونگ غه تن وعده نگاه⁸⁴ جان خوش قيلميش ايردى خاطرين
كيستى چو پيكانىنگ برين كويدوردى پيغامىنگ بيرين

Ўқунга тан ваъдаи нигоҳи жони хуш қилмиш эрди хотирин,
Кести чу пайконинг бирин, куйдурди пайғоминг бирин.

Ҳал қилиш: (50) исм моддаси «پيكانىنگ» (пайконинг), «پيغامىنگ» (пайғоминг) дур. Чунончи, «پيكانىنگ» (пайконинг) (дан) «پيكا» (пайко) кесилса, «نيك» (нек) қолур. «پيغام» (пайғом) дан «غام» (ғом) кесилса, «پي» (пай) қолур. Ана шундай қилиб, «نيك پي» (Некпай) ҳосил бўлур.

⁸² Муаммоларнинг Л.Зоҳидов томонидан кўрсатилган ечими матни Л.З деб кўрсатилди. Л.З. Ғе.

⁸³ В. بو.

⁸⁴ А. وعدنگه. Б. وعدنگ غه.

49. Муаммо «Носир» номида:

كورونسه كوزگه ناگاه اول آى
كوزوم حيران قالور يوزيگه اى وای
Кўрунса кўзга ногоҳ ул ой,
Кўзум ҳайрон қолур юзига эй вой.

Ҳал қилиш: исм моддаси «آى» (ой). Чунончи «آى» (ой) ни муродифи, (51) «قمر» (қамар) дур. Абжад ҳисоби бўйунча, адади 340 ададдур. Ва яна бир мартаба «آى» (ой) ни юзи «алиф» дур, адади бирдур. Жамул-жамъ адади 341 дур. Бу рақам «ناصر» (Носир) ҳарфларини ададига баробардур.

50. Ва яна муаммо «Вали» номида:

چو اول آى گه⁸⁵ قل⁸⁶ اولدى بو غمکش
قوليدىن يوز يتوردى⁸⁷ اول مهوش
Чу ул ойга қул ўлди бу ғамкаш,
Қўлидин юз етурди ул маҳваш.

Ҳал қилиш: исм моддаси «قولي» (қўли). Чунончи, «قولي» (қўли) дан (52) «юз» етурса, яъни «قولي» (қўли) даги «ق» (қоф) ҳарфини ҳам адади-100 дур, соқит бўлса, «ولي» (Вали) қолур.

51. Муаммо «Варақа» номида:

جور ايله قهرينگ كه حددين آشدى بغايت
وه كه نى بار ابتدا انگا نى نهايت

Жавр ила қаҳрингки ҳаддин ошди бағоят,
Ваҳ ки, не бор ибтидо анга, не ниҳоят.

Ҳал қилиш: исм моддаси «جور» (жавр) - «قهرينگ» (қаҳринг) дур. Чунончи, «قهرينگ» (қаҳринг) дан ниҳоят, яъни, «ينگ» (инг) исқот қилинса, «قهر» (қаҳр) қолур. Уни акси (қалб қилингани) «رقه» (рақа). Ва яна (53) «جور» (жавр) ни ибтидоси-интиҳоси соқит қилинса, «و» (вов) қолур. Ва яна «و» (вов) ҳарфини «رقه» (рақа) ни ибтидосига олиб келинганда «ورقه» (Варақа) бўлур.

⁸⁵ А.Б. Ғе.

⁸⁶ Б.В. قول.

⁸⁷ А.Б. ياشوردى.

52. Ва яна «Хумом» номида муаммо:

اول شوخ آنچه جورده کورگوزدی اهتمام
کیم آت چقاردی بلکه انگا اوشبو ایردی کام^{۸۸}

Ул шўҳ онча жаврда кўргузди эҳтимом

Ким, от чиқорди, балки анго ушбу эрди ком.

Ҳал қилиш: исм моддаси «اهتمام» (эҳтимом) дур. Мазкурдан «ا» (алиф), «ت» (те) ҳарфи чиқорилса, «همام» (Ҳумом) қолур.

(54) 53 Ва яна муаммо «Хилол» номида:

کونگوم^{۸۹} هلاک بولدی چو عشقینگ^{۹۰} نی باشلادی
آخر باشیندا هر نکیم بار ایردی تاشلادی

Кўнглум ҳалок бўлди, чу ишқингни бошлади,

Охир бошинда ҳар неким бор эрди, ташлади.

Ҳал қилиш: исм моддаси «هلاک» (ҳалок) охири «ک» (коф) ҳарфи, ташлаганда «هلا» (ҳало) қолур. Ва яна исм моддаси «کونگلوّم» (кўнглум) дур. «کونگلوّم» (кўнглум) ни муродифи «دل» (дил) дур. «دل» (дил) ни боши ташланса, (ва «هلا» (ҳало) га «ل» ни уласа) «هلال» (Ҳилол) номи чиқадур.

54. Ва яна «Юсуф» номида муаммо:

سیار^{۹۱} اچره قچان کیم یوزونگا یتدی قویاش (55)
یتر آقبت انینگ چهره سیدان باردی یاش

Сайёр ичра қачон ким, юзунгга етди қуёш,

Етар оқибат анинг чеҳрасидан борди ёш.

Ҳал қилиш: исм моддаси «سیار»(сайёр), «یتدی»(етди), «قویاش»(қуёш) дур. «قویاش»(қуёш) дан «یاش»(ёш) кетса, «قو»(қу) қолур. Мазкурни тасҳиф берилса, «قو»(қу) («فو»(фу) бўлади). Ва яна «سیار»(сайёр) ни юзи «س»(син) ҳарфи «فو»(фу) га таркиб берилганда «فوس»(фус), қалб қилинганда, «وسف»(всф) бўлур. Мазкурни юзига

88 نام. ل. 3.

89 B. . کون گلو م ک۔

90 B. عشقینک

⁹¹ A.B. سبیر

«يَنْدِي» (стди) ни юзи бўлган «ي» (йо) ҳарфи келса, «يوسف» (Юсуф) бўлур.

55. Муаммо: «Юнус» номида:

زلف آچما کی ⁹² یوزونگدور مینگا شمع مجلس (56)
 محو قیل تون رقمین کون یوزیدین ای ⁹³ مونس

Зулф очмаки, юзингдур манго шамъи мажлис,

Маҳв қил тун рақамин кун юзидин, эй мунис.

Хал қилиш: исм моддаси «مونس» (мунис) ҳамда «تون رقمين كون يوزيدين»⁹⁴ (тун рақамин кун юзидин). Чунончи «مونس» (мунис) дан «тун рақами» маҳв қилинса, яъни «тун рақами» ўттуз ададдур, «مونس» (мунис) дан кетса, 10 адад қолур. Чунки, «م» (мим) ҳарфини адади қирқдур. Ва мазкур 10 ададни ҳарфи «ي» (йо) ҳарфидур. Демак, «م» (мим) ҳарфи ўрнида «ي» (йо) ҳарфи қўйилганда «يونس» (Юнус) бўлур.

Таммат би-л-хайр.

Абдулло бин Абдулрахмон Гулшаний Кеший.

1968 сана, 24-нчи овгуст.

⁹² A.B. 45

⁹³ В. йўқ.

⁹⁴ Kۆلۆزمادا يۈز ي

Мир Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида зикр қилинган муаммоларнинг форс тилидан ўзбек тилида таржима қилди ва муаммоларни ишлаб чиқди: Абдулла Котиб Гулшаний Кеший.

Бошланди: 1963 санаи милодий 24 мой жума кун. Мутобиқ 1383 санаи ҳижрий.

(2) Ёзувчидан.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти томонидан Мир Алишер Навоийни «Мажолис ун-нафоис» номлик китоби босилиб чиқди ва нашр қилинди. Халқимиз бу асарни босилиб чиқиши билан илғор инсоният маданияти хазинасига улуг ҳисса қўшган ўзини улуг шоири ва устоди Мир Алишер Навоийни яна бир асари билан танишишга муваффақ бўлди. Шу жумладан камина ҳам бу асардан фойдаланиш шарафига эга бўлдим. Халқимиз қаторида камина ҳам бу асарни тадқиқ қилиб чиққан олимларимизга чин қалбдан ташаккур изҳор қилдим.

Аммо, ҳар доим абадий («адабий» бўлса керак-Ж.Ж.) санъат ишларига ҳаваскорлик билан қизиқиб қараб келганим учун сушт хотиримга етдики, мен ҳам бу соҳада бирор хизмат кўрсатсам, яъни мазкур китобда ёзилган муаммоларни (3) териб таржима қилсам ва уларни муаммо қоидаларига мувофиқ ҳал қилсам, деб ўйладим. Ниҳоят, бу ишни юзага чиқариб, бу китобчани ишладим. Балким бу ишим халқимизга ва олимларимизга ёқиб қолар. Ўқуб ва халқимиз учун бирор хизмат қилган бўларман. Агар мақбул бўлган тақдирда ҳам фан ва адабиётга хайрхоҳлик билан қарашимни мужассам дилили ва белгиси бўлурди.

Халқимиз оғзида бир афсона бор: Ўтган вақтда бир давлат арбоби бор экан. У киши жамият учун фойдали бир буқъа бино қилишга фармон берган эмиш. Халқлар

эса мазкур буқъага қизиқиб қараганлари учун қараб турмасдан ёрдамга келибдилар. Баъзилари бинокорлик матирёллари берибдурлар. Баъзилари эса тош-туфроқ топиб берган эмишлар. Ва баъзилари бир неча кундан ишлаб беришни ўзларига вазифа қилиб олган эмишлар. Шу жумладан етмишга кирган бир кимса ҳам бу улуг ишдан четда қолиб кетмайин деб, ўз хайрхоҳлигини изҳор қилиш (учун) (4) бир сиқим туфроқ келтируб, мазкур буқъага ташлаган экан. Камина ҳам худди шундай қилдим. Агар халқимиз учун мени бу ишим арзийдургон бўлса ва олимларимиз маъқул деб топсалар, мен учун бахт-саъодатдур. Ва агар арзимайдургон тақдирда ҳам фан-адабиёт соҳасида ҳеч бўлмаса хайрхоҳлик белгиси бўлуб қолар деб ўйладим.

Ушбу китобчани ёзганда мазкур «Мажолис ун-нафоис»да ёзилган муаммоларни тартиби билан бошидан охиригача ҳар бир муаммони нозимини номини ҳам мазкур муаммо кимни исмига айтилганини, мазкур муаммони таржимасини ҳамда у муаммони ишлаб чиқиб ҳал қилдим. Ва ҳар қайси муаммога рақам қўйдим. Ўқуғон кишилардан илтимос қилурманки, таржимада ёхуд муаммоларни ишлаб чиқишда хатоларга йўл қўйган бўлсам ёки хатда имло жиҳатдан камчиликлар бўлса, хатоларимни тузатиб, афу қилғайлар.

Ёзувчи Абдулла котиб Гулшаний Кеший.

МУАММОЛАР

«Мажолис ун-нафоис» 8-инчи бет. Нозими Ҳофиз Саъд. «Аҳмад Мирак» номида муаммо.

سرى مى ندارم مدار وميار
بمان سعد را در سر كوى يار
Сари май надорим мадору маёр,
Бимон Саъдро дар сари куи ёр.

Бирор култур майим қолмади, айлантуру май келтур, Саъдийни эса ёр куйини теппасида қўй.

Муаммони ечиш: «مد» (мад) (ва) «مي» (ми) тансис амали билан ҳосилдур. Яъни «مد» (мад) келса, «مدمي» (мадми) ҳосил бўлур. «بمان» (бимон) лафзини муроди-фи «بنه» (бинеҳ) дур. Мазкурни бош ҳарфи бўлмаганда «نه» (неҳ) қолур. Яъни тўққуз ададдур⁹⁵. (6) Бу эса, алиф билан «ح» (ҳе) ҳарфларини рақамидур. Демак, «اح» (аҳ) ҳосил бўлди. Мазкур ҳосил бўлган «مدمي» (мадми) га таркиб берганда «احمد مي» (Аҳмад ми) ҳосил бўлур. Байтда бўлган «سعد را» (саъдро) дан «را» (ро) муроддур. Яъни «ر» (ре) ҳарфи ирода қилинган. «كوي» (куй) ни боши «ك» (коф) ҳарфи. Мазкур ҳосил бўлган «ر» (ре) ҳарфи мазкур «ك» (коф) ни бошида бўлганда «رك» (рак) бўлур. Бунинг бошида юқорида ҳосил бўлган «احمد» (Аҳмад ми) ни келтурса, «احمد ميرك» (Аҳмад Ми-рак) номи ҳосил бўлур⁹⁶.

⁹⁵ Бу ерда «نه» (неҳ) ва «ن» (нуҳ), яъни «қўй» ва «тўққиз» сўзларининг ёзилиши бир хил эканлиги назарда тутилмоқда.

⁹⁶ Муаммонинг С.Ғаниева томонидан амалга оширилган ечими куйидагича:

Тарж: Мен май истамайман, уни берма ва тутма. Саъдни ёр кўчаси бошига элтиб қўй.

Биринчи мисраънинг шундай мазмуни бор: مي сўзи аввалидаги [ҳарф] менда йўқ.

Айзан

Мазкур муаммони чиқариш мазмунига қараганда, «ل» белгиси бўлган нусхада «سعد يا» ёзилгани хатодур.

«Мажолис ун-нафоис» 25-бет. Мавлоно Сиймининг муаммоси. «Нажм» исмида. (7)

نمى گنج ز شادى غنچه در پوست
چو سيمى نسبتش با آن دهان كرد

Намигунжад зи шоди ғунча дар пўст,
Чу Сиймий нисбаташ бо он даҳон кард.

Шодликдан ғунча пўстида сиғмайди. Худди Сиймий шаклидек уни оғизга нисбат берди.

«غنچه» (ғунча) ни пўсти соқит бўлганда, яъни «غ» (ғайн) ҳамда «ه» (ҳойи ҳавваз) ҳарфларини олиб ташлаганда, уни мағзи «نج» (нч) қолур. Уни жинсдоши «نج» (нж) дур. Ўшандоқ «سيمى» (сими) лафзида уни пўсти бўлган «س» (син), «ي» (йо) ҳарфлари сиғмасалар, уни мағзи «م» (мим) ҳарфи қолур. Мазкур ҳосил бўлган «نج» (нж) охирида мазкур «م» (мим) ҳарфини келтуруб айтганимизда «نجم» (Нажм) исми ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китобнинг 29-бетида Мавлоно Ҳожи Абулҳасаннинг муаммоси. «Боязид» номида. (8)

هر كه بيند سرو من بالاي زيباي ترا
بر كنار ديدهء روشن كند جاى ترا

Ҳар ки бинад сарви ман болои зебои туро,
Бар канори дидаи равшан кунад жои туро.

Эй сарвқомат гўзалим, ҳар ким сенинг гўзал қома-тингни кўрса, кўз қорочугидин жой берур.

Агар ми дан м олиб ташласак, ي қолади. Унинг рақам маъноси 10, ҳарфларда ده ёзилади. Бу икки ҳарфнинг рақам йиғиндиси (4=د ва 5=ه) 9 бўлади. 9 рақами яна (1=ا ح=8) 1 ва бирикувидан ҳосил бўлади. Шундай қилиб, «май» сўзидан «аҳ» бўғинини чиқардик. «ни» – «мад»-ни ол, деган ишорасига биноан «Аҳ»га «мад»ни қўшсак, «Аҳмад» чиқади. ميار дан «ми» олинади. Юқоридагидек иккинчи мисрадан «Саъдни қолдириб «ро»ни, яъни «р» ҳарфини қўй сўзининг аввалига, яъни, биринчи ҳарфи олдига олиб бориб қўйилади ва «Мирак» ҳосил бўлади. Натижада кўрсатилган муаммо ечими «Аҳмад Мирак» исми чиқади. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. Тошкент: Фан, 1997. 217-бет.

Масалани ечиш: «بالا» (боло) ни болоси «به» (бо) олинади. «زيبه» (зебо) ни болоси «زي» (зи) олинади. Жамъ қилганда «بازي» (бози) бўлади. Қалб қилинганда «بايز» (бояз) бўлур. «ديده» (дида) ни канори «د»⁹⁷ (дол) ҳарфи. Мазкур «د» (дол) ҳарфини ҳосил бўлган «بايز» (бояз) канорида келтурганда «بايزد» (Боязид) исми ҳосил бўлур.

Мазкур китоб 36-нчи саҳифасида **Мавлоно Абдул-ваҳобнинг** муаммоси. «Сайф» номида:

جان از لب لعل تو و دل از سر زلفت

جویده آب خضر و عمر درازست (9)

Жон аз лаби лаъли туву дил аз сари зулфат,

Жуйида оби Хизру умри дароз аст.

Жон лаълинг лабидан, дил эса зулфунг учидан ҳаёт сувини ҳамда дароз умрни охторадилар.

Масалани ечиш: «لعل» (лаъл) нинг лаби «ل» (лом) ҳарфидур. Рақами абжад ҳисобида 30-ўттуз адад. «زلف» (зулф) нинг боши «ز» (зе) ҳарфи. Рақами 7, яъни етти адад. Жамъ қилинганда «۳۷»-ўттуз етти бўлур. «آب خضر» (оби Хизр) билан «عمر دراز» (умри дароз) ни истасалар, чунончи, «آب» (об) жуммал ҳисобида учдур. «عمر» (умр) нинг боши «ع» (айн) ҳарфи жуммал ҳисобида етмишдур. Дили эса «م» (мим) ҳарфи жуммал ҳисобида қирқдур. Юқоридаги маблағларни жамъ қилганда ҳамма ададлар 150-бир юз эллик бўлур. «سيف» (Сайф) исми ҳам жуммал ҳисобида бир юз элликдур.

(10) Ва яна мазкур китоб 37-нчи саҳифасида **Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийни** муаммоси. «Ҳоким» номида:

چون بهشت آید به فتح از روی باغ

بلبلش گر کم شود یابد شکست

⁹⁷ Бизнингча, Гулшаний қўлёзмасида «د» деб нотўғри кўрсатилган. Аслида, «ديده»нинг «канори» бўлган «د» ва «ه» ҳарфларининг тушиши оқибатида «يد» қолади. Унинг олдинги ҳосил қилинган қисмга уланиши билан исм чиқади. Шунингдек, исмнинг ёзилиши «بايزد» деб нотўғри кўрсатилган. Тўғриси «بايزيد»дир.

⁹⁸ Бу сўз «Мажолис ун-нафоис» нашрида «гум» тарзида ўқилган. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн иккинчи жилд. Мажолис ун-нафоис. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. 32-бет.

Чу беҳишт ояд ба фатҳ аз руи боғ,

Булбулаш гар кам шавад ёбад шикаст.

Беҳишт каби очилиб, боғ юзасидан келса, агар булбул кам бўлса, ёхуд булбули гум бўлса, зарарланади.

Масалани ечиш: Исм моддаси «بهشت» (беҳишт) ҳамда «گر» (гар) ва «کم» (кам) сўзларидур. Яъни байтда тўрт калимани юзи «ب» (бе) ҳарфи билан бошланади. Чунончи, «بهشت» (беҳишт), «بفتح» (ба фарҳ), «باغ» (боғ), «بلبل» (булбул) калималари. Мазкур «ب» (бе) ҳарфларини рақамлари жуммал ҳисобида иккидан ҳисоб қилинганда, тўрт «ب» (бе) ни рақамлари жамъи «بهشت» (беҳишт) бўлиб келур⁹⁹. «بهشت» (бешихт) ни муродифи эса саккиздур. Бу эса «ح» (ҳе) ҳарфи рақамидур (11). Эмди «گر» (гар) сўзига келамиз. Мазкур «گر» (гар) ни асли эса «اگر» (агар) дур. Зарурати шеърӣ муносабати билан мазкур алифни лафздан ҳамда китобатдан олиб ташлангандур. Мазкур алиф «کم» (кам) бўлмағонда ёхуд «گم» (гум) бўлмағонда, яъни уни исбот қилиб, мазкур ҳосил бўлган «ح» (ҳе) ҳарфига таркиб берганда, «حا» (ҳо) ҳосил бўлур. Энди «کم» (кам) ни қўшуб айтганда, «حاکم» (Ҳоким) бўлур. Ёхуд «گم» (гум) ни форсий «гоф»ини арабийга айлантириб деганда «حاکم» (Ҳоким) бўлур.

Ва яна мазкур китобни 38-нчи саҳифасида **Мир Алишер Навоийни** муаммоси «Аъло» номида:

دور باد از تو درد و زحمت پا

دشمنت را بلا نصیب عنا

Дур бод аз ту дарду заҳмати по,

Душманат ро бало насиби ано.

Аёғинг дарди ва алами кетсин. Ранж ва бало душманинг насиби (12)

Масалани ечиш: Исм моддаси «عنا» (ано) ни аёғи «نا» (но) дур. Мазкур кетганда «ع» (айн) ҳарфи қолур. Мазкур «ع» (айн) ҳарфи «لا» (ло) устида борганда «علا» (Аъло) ҳосил бўлур.

⁹⁹ Гулшаний бу ерда «بهشت» сўзини таркибга ажратиб ўқиганда «يه هشت» яъни «саккизга» деган маънони беришини назарда тутган.

Ва яна мазкур китоб 38-нчи саҳифасида **Мавлоно Аъло Шоший**нинг муаммоси «**Алишер**» номида:

چشم تو مرا دید و منش نیک ندیدم

چو سیر بوبینم ز تو این است امیدم

Чашми ту маро диду манаш нек надидам,

Чу сер бубинам зи ту ин аст умидам.

Санинг кўзунг мани кўрди-ю, аммо мен сени яхши кўролмадим. Санинг юзунгни тўюб кўрсам деб сандин умидим бор.

Масалани ечими: «چشم» (чашм) ни муродифи «عين» (айн) дур. Ундан «ع» (айн) ҳарфи (13) муроддур. «مرا» (маро) ни муродифи «لي» (ли) дур. Демак «علي» (Али) ҳосил бўлди. «سير» (сер) ни жинсдоши «شير» (шер) дур, «علي شير» (Алишер) ҳосил бўлди.

Ва яна мазкур китоб 48-нчи саҳифасида **Мавлоно Муҳаммад Муаммой**нинг муаммоси. «**Юсуф**» номида:

مرا هواى سفر بود پيش از اين در سر

چو صورت تو بدیدم نماند رای سفر¹⁰⁰

Маро ҳавои сафар буд пеш аз ин дар сар,

Чу сурати ту бидидам намонад рои сафар.

Бундан илгари мани бошимда сафар ҳавоси бор эди. Аммо санинг суратингни кўрдиму сафар қилишга эҳтиёж қолмади.

Масалани ечиш: Исм моддаси «سفر» (сафар) ҳамда «سف» (ту) сўзлари. Чунончи, «سفر» (сафар) ни аввали «سف» (саф) дур. «تو» (ту) ни сурати «يو» (14) дур. Ҳосил бўлганларни таркиб берганда «يوسف» (Юсуф) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 53-нчи саҳифасида **Мавлоно Муҳаммад Муаммой** муаммоси. «**Дарвиш**» номида.

¹⁰⁰ Бу муаммонинг ечими С.Айний томонидан қуйидагича кўрсатилган: Бу байтнинг зоҳирий маъноси маълум, Юсуф номи эса иккинчи мисралан қуйидагича чиқади:

Сурати “ту”дан “ю” чиқади (араб алифбосида) «ю» нинг «تو» га айланishi назарда тутилган—Ж.Ж.): “сафар ройи қолмади”га асосланиб “сафар” сўзидан “ро” ҳарфи олиб ташланса “син” (с) билан “фе” (ф) ҳарфлари қолади. “Ю”га “син” билан “фе” қўшилса “Юсуф” бўлади.

Қаранг: Айний Садриддин. Асарлар. 8-том. —Т.: Гафур Гулом номидаги Балий адабиёт нашриёти, 1967. 333-334-бетлар.

چون بتابم روی از دشنام دوست

عالمی را روی در دشنام اوست

Чун битобам руй аз дашноми дуст,

Олимеро руйи дар дашноми уст.

Уни дашномидан қандай юз товлайманки, бир олим кишиларни дашномида юз қаротиб турсалар.

Исм моддаси: «روي» (руй) ҳамда «دشنام» (дашном) лафзларидур. Чунончи, «روي» (руй) «دشنام» (дашном) даги «دش» (даш) ўртасида кирса, «درويش» (Дарвиш) номи ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 63-бетида **Мавлоно Муҳаммад Омилий**нинг муаммоси. «**Нўён**» номида: (15)

نجویم داد از خوبان گل چهر

که خواهانم بمه رویان بی مهر

Нажўям дод аз хубони гулчеҳр,

Ки хоҳонам бамаҳруёни бемеҳр¹⁰¹.

Исм моддаси «رویان» (хубон) ҳамда «ن» (руён) сўзларидар. Чунончи, «خوبان» (хубон) сўзидан «ن» (нун) ҳарфи изланса, мазкур «ن» (нун) ҳурфи «رویان» (руён) даги «ر» (ре) ҳарфи ўрнига бадал бўлиб келса, «نویان» (Нўён) бўлур. Муаммоларни бу тарзда ишлаш усулини табдил амали деб айтадилар.

Ва яна мазкур китоб 65-нчи бетида **Мавлоно Низом**нинг муаммоси. «**Исҳоқ**» номида:

سخا دان طایر بخشنده دانه

که از اقبال سازد آشیانه

Саҳо дон тоири бахшандаи дона,

Ки аз иқбол созад ошёна.

(16) Доналар баҳшиш қилувчи қушни саҳо деб бил. У иқболдан ўзига уя ясайди.

Масалани ечиш: «سخا» (саҳо) ўз нуқталарини «баҳшиш» қилганда, «اقبال» (иқбол) дан

¹⁰¹ Муаммонинг таржимаси Гулшаний томонидан кўрсатилмаган. Мазмуни: Гулчеҳра гўзаллардан ҳақиқат тиламасман. (Ҳақиқатни) Меҳрсиз моҳруйлардан излагувчиман.

олган «اق» (иқ) ни ўзига уя қилса «اسحاق» (Исҳоқ) номи ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 66-инчи саҳифасида **Хожа Аҳмад Мужаллад**ни Мавлоно «**Жарда**» номида ҳажвий муаммоси:

خری کج کرده پالان سوی ده تاخت

چراگاه ده از گاوآن بپرداخت

Харе каж карда полон суи деҳ тохт,

Чарогоҳи деҳ аз говон бипардохт.

Бир эшак тўқумини каж қилиб қишлоқ томонида югурди. Қишлоқ яйлов майдонини ўқузлардан безатди.

(17) Масалани ечиш: «خر» (хар) ҳамда «ده» (деҳ) исм моддасидур. «خر» (хар) ни «خ» (хе) ҳарфи мисли «ج» (жим) бўлса, «جر» (жар) бўлур. Мазкур «جر» (жар) «ده» (деҳ) бошида борганда «جرده» (Жарда) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 67-инчи саҳифасида **Мавлоно Муҳаммад Неъматободий**нинг «**Коко**» исмида муаммоси:

آنچه کردی بر دل از بیدادگر یاد آرمش

گویم ار با کوه جانا من بفریاد آرمش

Ончи карди бар дил аз бидодгар ёд орамаш,

Гуям ар бо куҳ, жонои ман ба фарёд орамаш.

Дилимда солгон бедодгарчилигини агар ёдимда келтуруб, агар тоғга айтсам, тоғни фарёдга келтурурман.

Масалани ечиш: (18) «بیداد» (бидод) сўзи жуммал ҳисобида 21 дур. Бу адад эса, «ک» (коф), «الف» (алиф) ҳарфларини рақамидур. Демак, «ک» (ко) бўлади. Мазкур «ک» (ко) ни икки мартаба такрорлаганда «کاک» (Коко) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китобнинг 61-инчи бетида **Мавлоно Мир Аргун** муаммоси «**Маҳмуд**» номида:

ای ز جام حسن سرخوش سوی مخموری بوبین

ز آنکه اشک خویش را پیوسته دارد بر جبین

Эй зи жоми ҳусн сархуш суи махмури бубин,

З-онки ашки хешро пайваста дорад бар жабин.

Сархуш ҳуснунг жоми махмурлар томонига қаратгил. Ёҳуд, эй ҳусн жомидан маст бўлган соқий, махмурлар

томонини кўр. Чунки уларни кўз ёшлари доим юзларигадуру.

Маслани ечиш: (19) Исм моддаси «مخمور» (махмур) ва «دارد» (дорад) сўзларидур. Чунончи, «مخمور» (махмур) ни томони «مخمو» (махму) дур. Уни тажнис қилганда «محمو» (махму) бўлур. «دارد» (дорад) ни жабини «د» (дол) ҳарфи. Мазкур «د» (дол) ни қўшганда «محمود» (Маҳмуд) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 72-инчи саҳифасида **Мавлоно Сафойи**ни¹⁰² муаммоси. «**Мансур**» номида:

مرا ز ان شد منور خانه چشم

که آمد دوست در کاشانه چشم

Маро з-он шуд мунаввар хонаи чашм,

Ки омад дуст дар қошонои чашм.

Мени кўзум шундин нурлик бўлдим, дуст туткан маҳбубим кўзум хонасида келди.

Масалани ечиш: Исм моддаси «منور» (мунаввар) ҳамда «در» (дар) сўзларидур. (20) Чунончи «منور» (мунаввар) тансиси амали билан зоҳирдур. «در» (дар) лафзини муродифи «فی» (фи) дур. Мазкур «فی» (фи) ни жуммал ҳисобида (90) тўқсон ададдур. Уни рақами «ص» (сод) ҳарфидур. Мазкур «ص» (сод) ҳарфи мазкур ҳосил бўлган «منور» (мунаввар) да дил бўлиб кирганда «منصور» (Мансур) бўлур¹⁰³.

Ва яна мазкур китоб 87-инчи саҳифасида **Мавлоно Сайфий** муаммоси «**Қабул**» номида:

بس که دل هر دم به سوی زلف جانان میشود

تا دل خود جمع میسازم پریشان میشود

¹⁰² Танқидий матнда: "Мавлоно Юсуф".

¹⁰³ Ушбу муаммонинг ечими Л.Зоҳидов томонидан қуйидагича кўрсатилган:

Муаммонинг мазмуни: Дўстим келиб, уни кўрганимдан сўнг Кўзимнинг уйи равшан бўлди.

Муаммонинг ҳалли: Классик алабиётда сол ҳарфи кўзга ўхшатилади. Дўст келгандан сўнг кўз мунаввар бўлса, ёки "мунаввар" منور сўзининг ичига ص кирса, منصور Мансур исми ҳосил бўлади. Қаранг: Зоҳидов Л. Алишер Навоий муаммолари ва "Рисолаи муфратот" асари. Тошкент, 1970. 39-40-бетлар.

Бас ки дил ҳар дам ба суи зулфи жонон мишавад,
То дили худ жамъ месозам паришон мишавад.

Ҳар бир дамда дил жонон сори борар экан, қанча-
ким дилимни жамъ тутай десам ҳам паришон бўлур.

«دل» (дил) ни охири «ل» (лом) ҳарфи «زلف» (зулф)
ни топмаса, (21) «ف» (фе) ҳарфи. Мазкур «ف» (фе) ни
жинсдоши «ق» (қоф) ҳарфи. Демак, бу иккисини қалб
қилғонда «قل» (қл) ҳосил бўлур. Ва яна «دل» (дил) ни
муродифи «قلب» (қалб), «قلب» (қалб) ни охири «ب» (бе)
ҳарфи. Мазкур «ب» (бе) юқорида ҳосил бўлган «قل» (қл)
га дил қилиб киргизганда «قبل» (қбл) бўлур. Ва яна «خود»
(худ) ни дили «و» (вов) ҳарфи. Мазкур «و» (вов) ҳар-
фини мазкур ҳосил бўлган «قبل» (қбл) ни «ب» (бе)
ҳарфидан сўнг дохил қилиб деганда «قبول» (Қабул)
исми ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 88-инчи саҳифасида **Мавлоно**
Осафийни «Баҳман» номидаги муаммоси:

ای بر سم سمند تو سرهای سروران

104 افکنده سروران جهان را * ز در مران

Эй бар сумми саманди ту сарҳои сарварон,

Афканда сарварони жаҳонро зи дар марон.

Сарварлар бошлари санинг отингни туёғи остида-
дур. Жаҳон сарварларини шу ҳолда ташлаб эшикингдан
қувмагил.

(22) Масалани ечиш: «سمند» (саманд) ни муродифи
«اسب» (асб). Уни туёғи «ب» (бе) ҳарфи. «سر پای» (сари
по) дан мурод «ه» (ҳойи ҳавваз) ҳарфи. Бу иккисининг
таркиб берганда «به» (баҳ) ҳосил бўлур. «در» (дар) ни
муродифи «في» (фи) дур. Мазкур «في» (фи) эса жуммал
ҳисобида (90) тўқсон ададдур. Бу эса «م» (мим) ҳамда
«ن» (нун) ҳарфларини рақамидур. Чунончи «م» (мим)

¹⁰⁴ Гулшаний ушбу мисранинг юлдузчадан кейинги қисми аслида
шаклида бўлиши кераклигини муаммо ечимидан кейинги изоҳда айтиб ўтган
бўлишига қарамай, сакталик билан кўчирилган матнни бериб ўтган.

қирқ, «ن» (нун) эса эллиқдур. Шунга асосан «من» (ман)
ҳосил бўлуди. Мазкур «من» (ман) ни мазкур «به» (баҳ)
га таркиб берганда «بهمن» (Баҳман) ҳосил бўлур.

Айзан: «ل» (лом) белгиси бўлган нусхада мазкур бай-
тда «ز سر مران» (зи сар марон) бўлмасдан балки, «ز
در مران» (зи дар марон) бўлган экан. Камина бу муаммо-
ни ҳосил қилишда мазкур нусхага амал қилдим. Агар
шундай бўлмаганда муаммо исми чиқмасди.

(23) Ва яна мазкур китобни 89-бетида **Мавлоно Ко-**
мий муаммоси «Нўъмон» номида:

گلی داد از گلستان خودم یار

که از برگش تو نام من برون آر

Гуле дорад аз гулистони худам ёр,

Ки аз баргаш ту номи ман бурун ор.

Ёрим гулистонимдан бир гул берди. Уни баргидан
мени номимни чиқаргил.

Бу муаммо услуби ҳарфий амали билан ҳал қилинур.
Чунончи «یار» (ё) лафзи жуммал ҳисобида 211 дур.
«Нўъмон» исми ҳам 211 ададдур.

Ва яна мазкур китоб 95-инчи бет **Мавлоно Комий**¹⁰⁵
муаммоси. «Фарид» номида:

خالقم واحد بود الله اکبر

ز آن مرید احوال آمد کورو کر

Холиқам воҳид бувад Оллоҳу акбар,

З-он муриди аҳвол омад кўру кар.

Парвардигорим ягонадур, улуғ маъбуди барҳақдур.
(24) У аҳвол, яъни бирни икки ҳис қилгувчи кўр ва
кардир.

Масалани ечиш: «واحد» (воҳид) «وحید» (ваҳид) маъ-
носида. «وحید» (ваҳид) ни муродифи «فرید» (Фарид) дур.

Ва яна мазкур китоб 97-инчи саҳифасида **Мавлоно**
Зиёнинг муаммоси. «Халаф» номида:

ای در دکش لار باده دین خالی بولوبتور یورتیمیز

تا توتقالی خمخانه دین بیر گوشه سیز بیر گوشه بیز

¹⁰⁵ Танқидий матнда: «Сайид Кутб Лакланг».

Эй дурдкашлар, бодадин холи бўлубтур юртимиз,

То тутқоли хумхонадин бир гўша сиз, бир гўша биз.

Исм моддаси «خالي» (холи), «خمخانه» (хумхона), «گوشه» (гўша) сўзларидур. Чунончи, «خالي» (холи) ни икки гўшаси «خا» (хо) «ي» (йо) ҳарфлари исқот бўлганда «ل» (лом) ҳарфи қолур. «خمخانه» (хумхона) ни бир гўшаси «خ» (хе) ҳарфи интиқод амали билан олиниб, (25) мазкур ҳосил бўлган «ل» (лом) га қўшилганда «خل» (хал) ҳосил бўлур. Ва яна бир гўшадан мурод «طرف» (тараф) ни бир гўшасининг олинганда, яъни «ف» (фе) ҳарфини олганда ва уни мазкур ҳосил бўлган «خل» (хал) га таркиб берганда «خلف» (Халаф) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 98-инчи саҳифа. Мавлоно Солимийнинг муаммоси. «Амон» номида:

نگارم اشارت بلب ميکند

اگر ديده نامش طلب ميکند

Нигорам ишорат ба лаб микунад,

Агар дида номаш талаб микунад.

Мани нигорим лаби билан ишорат қилур. Агарла номини кўрганда талаб қиладур.

Масалани ечиш: Исм моддаси «اشارت» (ишорат) ва «نامش» (номаш) сўзларидур. «اشارت» (ишорат) ни лаби الف (алиф) ҳарфидур. «نام» (ном) ни қалб қилганда «هان» (мон) бўлур. Таркиб берилганда «امان» (Амон) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 101-инчи саҳифасида Мавлоно Жамшид муаммоси. «Зайн» номида:

چکنم نکهت گل را که دماغ من مست

هست خشبوی ز مشکین سر زلف پیوست

Чикунам накҳати гулро ки, димоғи ман маст,

Ҳаст хушбуи зи мушкини сари зулф пайваст.

Гул ҳиди(ни) нима қилурман ким, у гўзални ҳидлик мушкин зулфидан мани димоғим мастдур.

Масалани ечиш: Исм моддаси «سر زلف» (сари зулф) ва «مشکین» (мушкин) лафзларидур. Чунончи «زلف» (зулф) ни боши «ز» (зе) ҳарфи. (27) Мазкур «مشکین»

(мушкин) ни охири «ین» (ин) дур. Мазкур «ز» (зе) «ین» (ин) га пайваст бўлғонда «زین» (Зайн) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 101-инчи саҳифасида Мавлоно Шаҳобни муаммоси. «Жобир» номида:

آنها که کنند دیده چون ابر بهار

يابند يقين در وصال دلدار

Онҳо ки кунанд дида чун абри баҳор,

Ёбанд яқин дари висоли дилдор.

Уларки кўз ёшларини баҳор булуту каби тўкадилар, яқин ва шаксиздурким, дилдорни висол эшигини топадилар.

Исм моддаси «ابر» (абр) ҳамда «در» (дар) сўзларидур. Чунончи «ابر» (абр) тансис амали билан зоҳирдур. «در» (дар) ни муродифи «باب» (боб). Мазкур «باب» (боб) ни эшиги «ب» (бо) дур. Мазкур рақами жуммал ҳисобида учдур. (28) Бу эса «ج» (жим) ҳарфи рақамидур. Мазкур «ج» (жим) ҳарфи «ابر» (абр) ни эшигида бўлганда «جابر» (Жобир) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 102-инчи саҳифасида. Мавлоно Абдулҳақ муаммоси. «Васи» номида:

اشک من در حسرت آن لب بخون آمیخته

پیش وی چون گریه تلخ صراحی ریخته

Ашки ман дар ҳасрати он лаб ба хун омихта,

Пеши вай чун гиряи талх суроҳи рихта.

Лабни ҳасратида кўз ёшларим қонга оғуштадур. Унинг олдида мени йиғлаганларим май тўкилган шишани аччиғ йиғлагонига ўхшайди.

Масалани ечиш: Исм моддаси: «صراحی» (суроҳи) ҳамда «وي» (вай) лафзларидур. Чунончи, «صراح» (суроҳи) ни аввали «ص» (сод) ҳарфидур. (29) «وي» (вай) ни мазкур «ص» (сод) га қўшуб қалб қилганда «وصي» (Васи) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 104-инчи бет. Мавлоно Абу Тоҳир муаммоси. «Одам» номида:

عاشقان را دل ز هجرانش بسی فریاد کرد
ناگه آمد از سفر آن ماه دلها شاد کرد

Ошиқонро дил зи ҳижронаш бaси фарёд кард,
Ногаҳ омад аз сафар он моҳ дилҳо шод кард.

Ошиқлар дилини ҳижронидан кўбларча фарёдга кел-
турган эди. Нохостдан сафардан келдию, уларни дил-
ларини шод қилди.

Масалани ечиш: Исм моддаси «آمد» (омад) лафзидур.
Мазкурни қалб қилганда «آدم» (Одам) бўлур.

(30) Ва яна мазкур китоб 106-инчи бет. **Мавлоно Со-
ҳиб** муаммоси. «Поянда» номида:

آن شاه حسن از دل محزون هر کسی
بین پناه بی سر و پا هر طرف بسی

Он шоҳи ҳусн аз дили маҳзуни ҳар каси,
Бинад сипоҳи би сару по ҳар тараф бaси.

У гўзаллар шоҳи ҳар кимни ғамлик дилидан ҳар то-
монда бош оёқсиз сипоҳ кўради.

Масалани ечиш: «سپاه» (сипоҳ) бебош ва беоёқ бўлса,
«پناه» (по) қолур. «بیند» (бинад) бесар бўлса «ياند» (йанд)
қолур. «ن» (нун) «هر» (ҳар) ни дили «ه» (ҳойи ҳавваз)
ҳарфи мазкур ҳосил бўлганларни таркиб берганда «پاینده»
(Поянда) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 108-инчи бет **Мавлоно Жало-
лиддин** (31) муаммоси «Аҳмад» номида:

بجانبی که دلم را رقیب می خواهد
نخواهد آمد و روی حبیب میخواید

Ба жониби ки диламро рақиб миҳоҳад,
Наҳоҳад омад ва руи ҳабиб миҳоҳад.

Дилим жонибига ким рақиб истайди, келмасин аммо
дўстни юзини истайди.

Масалани ечиш: «دلم را» (диламро) ни жониби الف
(алиф) ҳарфидур. «حبیب» (ҳабиб) ни юзи «ح» (ҳе) ҳарфи.
Таркиб берилса, «اح» (аҳ) бўлур. «آمد» (омад) ни жони-
би الف (алиф) исқот бўлганда «مد» (мад) қолур. Мазкур
«اح» (аҳ) билан таркиб топганда «احمد» (Аҳмад) бўлур.

Ёки: «دلم را» (диламро) ни жониби «د» (дол), «م»
(мим) ҳурфларидур. Олиб таркиб берганда «دم» (дам)
бўлур. Буни қалб қилганда «مد» (мад) бўлур. «را» (ро)
ни жониби «الف» (алиф) дур. «مد» (мад) ни жонибига
келганда «امد» (омад) бўлур. «حبیب» (ҳабиб) ни юзи «ح»
(ҳе) ҳарфи. «آمد» (омад) жонибига келса, «امدح» (омдх)
бўлур. Қалби эса «احمد» (Аҳмад) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 112-бет. **Мавлоно Ғиёсиддин** муам-
моси. «Обил» номида:

مرا مهر و مه نامهربانی
جدا از دل نمیگردد زمانی

Маро меҳру маҳ номехрибони,
Жудо аз дил намигардад замони.

Мени номехрибон қуёш билан ойим, дилимдан бир
замон жудо бўлмайди.

Масалани ечиш: «نامهربان» (номехрибон) лафзини
дили «آب» (об) дур. Уни қалб қилганда (33) «آب» (об)
бўлур. «دل» (дил) ни охири «ل» (лом) ҳарфи. Мазкурни
«آب» (об) га таркиб берганда «آبل» (Обил) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 112-инчи бет. **Саййид Абдулла-
тиф** муаммоси. «Ҳайдар» номида:

عاشق گریان ز کنج هجر در گلشن گریخت
چید هر سو از گل و درهای اشک از دیده ریخت

Ошиқи гирён зи кунжи ҳижрон дар гулшан гирихт,
Чид ҳар су аз гулу дурҳои ашк аз дида рихт.

Гирён ошиқ ҳажр кунжагидан гулзорга қараб қочди
ва ҳар томондан гул терди. Кўз ёши дурларини кўзидан
оқизди.

Исм моддаси «چید» (чид), «دیده» (дида), «هجر» (ҳажр)
лафзларидир. «چید» (чид) сўзи тансис амали билан зо-
ҳирдур. «دیده» (дида) эса, тасҳиф амалига ишоратдур.
Яъни «چشم» (чаши) дур. Мазкур «چشم» (чаши) ни томони «چ» (чим)
ҳарфидур. Яъни «چید» (чид) сўзидаги «چ» (чим) ҳарфидаги ашк дурла-
рини, яъни нуқталарини тўкганда «حید» (ҳид) бўлур.
Эмди мазкур «حید» (ҳид) ни жонибига «هجر» (ҳажр)

сўзини томони бўлган «ر» (ре) ҳарфи келганда «حيدر» (Ҳайдар) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 112-инчи саҳифасида Мавлоно Муҳаммад муаммоси. «Муҳаммад» номида:

ای که جز مهر و وفا چیزی نبودت خوی دل
مهر بی حد گویمت دیگر تو بنما روی دل

Эй ки жуззи меҳру вафо чизи набудат хуи дил,
Меҳр беҳад гўямат дигар ту бенамо руи дил.

Эй гўзалим, дилинг одати меҳру вафодан бошқа нарса эмас. Ва яна бир юзунгни кўрсатганингда беҳад меҳринг бор деб айтаман.

Масалани ечиш: Исм моддаси «مهر» (меҳр) ҳамда «وفا» (вафо) ва ҳамда «چیزی» (чизи) лафзлари. Чунончи, «مهر» (меҳр) ни дили «ه» (ҳойи ҳавваз) ҳарфи жуммал ҳисобида рақами беш адад. «وفا» (вафо) ни дили «ف» (фе) ҳарфи жуммал ҳисобида саксон адад. «چیزی» (чизи) ни дили «ز» (зе) ҳарфи жуммал ҳисобида (35) рақами еттидур. Жамъи ҳосил бўлган ҳарфларни ададлари тўқсон икки (92)дур. «محمد» (Муҳаммад) исмини ҳам адади тўқсон иккидур.

Ва яна мазкур китоб 112-инчи бетида Мавлоно Фахрий муаммоси. «Кубод» номида:

مرا کی بی رخ جانان هوای گشت گلزار است
که دل از دوری آن مه بدرد خود گرفتار است

Маро кай бе рухи жонон ҳавои гашти гулзор аст,
Ки дил аз даври он маҳ бадарди худ гирифтор аст.

Жононнинг юзисиз қачон мен гулзор сайрини орзу ҳавас қиламан. Афсуски у ойни мендан узоқда бўлишидан дилим ўз дарди биландур.

Исм моддами «هوا» (ҳаво) ҳамда «مه» (маҳ) лафзларидур. Чунончи ойни муродифи «قمر» (қамар), «قمر» (қамар) ни юзи «ق» (қоф) ҳарфи. «هوا» (ҳаво) ни муродифи «هوا» (бод) дур. Мазкур «ق» (қоф) ҳарфи «هوا» (бод) устида зоҳир (36) бўлганда «كوباد» (Кубод) исми ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур Мавлоно Фахрийни муаммоси «Али» номида:

باشد دل هر کس بیکي آینه بنما
از آینه طلعت یارست دل ما

Бошад дили ҳар кас ба яки оина бенамо,
Аз оина талъати ёр аст дили мо.

Ҳар кишининг дили бир-бирига ойинадур. Аммо бизнинг дилимиз эса ёр ойинасининг аксидандур.

Исм моддаси «طلعت» (талъат) ва «یار» (ёр) лафзларидур. Чунончи «طلعت» (талъат) ни дили «ل» (лаъ) дур. Қалб қилинганда «عل» (ал) бўлур. «یار» (ёр) ни юзи «ي» (йо) ҳарфидур. Мазкур «عل» (ал) га таркиб берганда «علي» (Али) исми ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 115-инчи саҳифасида Мавлоно Муҳаммад Толибни муаммоси. «Мажд» номида:

ندارم جز دو زلف یار و غم خار (37)
مرا بی یار و بی غم خار مگذار

Надорам жуз ду зулфи ёру ғамхор,
Маро бе ёру бе ғамхор магузор.

Эй гўзалим, икки зулфунгдан ўзга ёру ғамхорим йўқдур. Мени беёру беғамхор қилмагил.

Масалани ечиш: Исм моддаси «دو زلف» (ду зулф) дур. Мазкурни таҳлил берганда «فت-زل-دو» (ду-зл-фат) бўлиб, уч жузвга бўлинади. Бундан аввалги икки жузв, яъни «زل-دو» (ду-зл) муроддур. Чунончи, «دو» (ду) абжад ҳисобида 15 дур. «زل» (зл) эса абжад ҳисобида ўттуз етти (37)дур. Ҳаммаси қирқ етти бўлади. «مجد» (Мажд) ҳам абжад ҳисобида қирқ еттидур.

Ва яна мазкур китоб 117-инчи бет. Дўстмуҳаммад (38) муаммоси. «Сафи» номида:

هر سحر باد دهد بوی از ان گلزارم
من دل سوخته بر باد صبا بیدارم

Ҳар саҳар бод деҳад бўи аз он гулзорм,
Мани дилсухта бар боди сабо бидорам.

Ҳар саҳар у гулзоримдан шамол хушбуй ҳид оилиб келур. Юраги куйиган мен эса сабо шамолида бедор-ман.

Масалани ечиш: «من» (ман) жуммал ҳисобида тўқсон, «ص» (сабо) ни юзи «ص» (сод) ҳарфи жуммал ҳисобида тўқсон. Икки тўқсон бир юз саксон. «صفي» (Сафи) адади ҳам бир юз саксондур.

Ва яна мазкур 117-инчи бет. Мавлоно Фатҳулло муаммоси. «Билол» номида:

چه سان گيرد دلم با زلفت الفت
چو دل بيخود نمايد در دو زلفت (39)

Че сон гирад дилам бо зулфт улфат,
Чу дил беҳуд намояд дар ду зулфат.

Масалани ечиш: «زلف» (зулф) ни дили «ل» (лом) ҳарфи. Демак икки зулфдан мурод, икки «ل» (лом) ҳарфи. «با» (бо) дан мурод «ب» (бе) ҳарфи. Таркиб берганда «بلل» (блл) бўлур. «نمايد» (намояд) лафзини дили «ل» (алиф) ҳарфидур. Мазкур «الف» (алиф) икки «ل» (лом) ўртасига кириб кўрунганда «بلال» (Билол) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 118-саҳифасида Мавлоно Асириддиннинг муаммоси. «Мақбул» номида:

با من بچاره آن مه بد نکرد
هر که حرفی گفت از من رد نکرد

Бо мани бечора он маҳ бад накард,
Ҳар ки ҳарфи гуфт аз ман рад накард.

У ой ман бечорага ямонлиқ қилмади. Ҳар ким бирор нарса (40) деди мандан, рад қилмади.

Исм моддаси «من» (ман) ҳамда «رد» (рад) лафзларидур. Чунончи, «من» (ман) ни бирор (биринчи-Ж.Ж.) ҳарфи «م» (мим) ҳарфи. «رد» (рад) ни зидди эса «قبول» (қабул) дур. Мазкур «م» (мим) ҳарфини «قبول» (қабул) устига келтурганда «مقبول» (Мақбул) номи ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 121-инчи саҳифасида Мавлоно Фаҳриддин муаммоси. «Ҳайдар» номида:

گرچه از دلبران جفا بينم

شايد از دلبری وفا بينم

Гарчи аз дилбарон жафо бинам,

Шояд аз дилбари вафо бинам.

Гарчи дилбарлардан жафо кўрдим. Шоядки, бирор дилбардан вафо кўрсам.

Масалани ечиш: (41) Исм моддаси «دلبران جفا» (дилбарон жафо) ҳамда «وفا» (вафо) лафзларидир. Чунончи, «دلبران جفا» (дилбарон жафо) ни таҳлил амалига мувофиқ таҳлил берганда «دل - بر - ان - جفا» (дил-бар-он-жафо) бўлур. Аввалги икки жузви, яъни «دل - бар» (дил-бар) соқит бўлади. «جفا - ان» (он-жафо) қолади. Бу сўзларнинг ҳарфлари жуммал ҳисобида 135 ни ташкил қилур. Энди «وفا» (вафо) сўзига келсак, бу сўзни ҳарфлари жуммал ҳисобида 87 дур. Бу ҳосил бўлган маблағларни жамъи 222 бўлур. «Ҳайдар»ни ҳам ҳарфларини жуммал ҳисобида ҳисоб қилганда 222 дур.

Ва яна мазкур китоб 124-инчи бетида Мир Асадулло муаммоси. «Унс» исмида:

ريزد از چشم تر اهل محبت متصل

آتش هجران او ناچار اشک خون دل

Ризад аз чашми тар аҳли муҳаббат муттасил,

Оташи ҳижрони у ночор ашки хуни дил.

Муҳаббат аҳллари муттасил равишда уни ҳижрон ўтидан ночор қон ёшларини тўкадилар.

Исм моддаси «آتش» (оташ) лафзи. Тасҳиф амалига асосан мазкур «آتش» (оташ) сўздан мадд ва нуқталар тўкилганда «اس» (ас) қолур. Мазкурни жинсдоши «انس» (Унс) дур.

Ва яна мазкур китоб 125-инчи бет. Мир Аҳадулло муаммоси. «Порсо» номида:

سر پاكان فرق و¹⁰⁶ اهل ادراك

سراسر گشته زیر پای او خاک

Сари покони фарқу аҳли идрок,

Саросар гашта зери пойи у хок.

¹⁰⁶ Қўлзмада вов ҳарфи йўқ.

Идрок аҳллари ва пок кишиларни бошлари уни оёғин туфроғида айланадилар.

Масалани ечиш: Исм моддаси «سر پاک» (сари пок) ҳамда «سرا» (саро) дур. (43) Чунончи «سر پاک» (сари пок), яъни «پاک» (пок) сўзини бош ҳарфи «پ» (пе) ҳарфи. «فرق اهل» (фарқ аҳл), яъни «اهل» (аҳл) ни боши «ا» алиф ҳарфини олиб, таркиб берганда, «پا» (по) бўлур. «سرا» (саро) айланганда, яъни қалб бўлганда, «رسا» (расо) бўлур. «رسا» (расо) ни «پا» (по) билан таркиб берилса, «پارسا» (Порсо) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 125-бет. Мавлоно **Шоҳ Али** муаммоси. «Хон» номида:

از غم دوران و جور روزگار
خواهم ایمن شد ز جور روی یار

Аз ғами даврону жаври рўзгор,

Хоҳам эмин шуд зи жаври руи ёр.

Ёр юзини жаври муносабати билан даврон ғами ҳамда турмуш жавридан қутуларман.

Масалани ечиш: (44) Исм моддаси «خواهم ایمن شد ز» (Хоҳам эмин шуд зи жаври руи ёр) дур. Чунончи, абжад ҳисоби билан бу калималар тубандагича бўлади: «ایمن» (эмин) рақами — 111 ададдур, «شد» (шуд) рақами — 304 ададдур, «ز جور» (зи жаври) рақами — 226 ададдур. «روی یار» (руи ёр), яъни «ёр»нинг юзи «н» (йо) ҳарфи рақами 10 адад. Ҳаммаси бўлиб, 651 адад. Бу маблағ эса, «خان» (Хон) рақамига баробардур.

Ва яна мазкур китоб 126-бет **Мавлоно Дарवेशали** муаммоси. «Вали» номида:

هندوی زلف او ز بدکیشی
گوشه بگرفت گفت درویشی

Ҳиндуи зулфи у аз бадкеши,

Гуша бигирифт, гуфт: дарвиши.

¹⁰⁷ جوري Қўлзмада.

¹⁰⁸ Танқидий матнда: گوش.

У гўзални зулфи ситамкорлигдан четни олдида: Сен дарवेशсан, — дели.

(45) Исм моддаси «هندوی زلف» (ҳиндуи зулф) дур. Бу тақдирда масалани ечиш тартиби тубандагича бўлади: «هندوی» (ҳиндуи) ни бир чети «وي» (вй) дур. «زلف» (зулф) дан мурод «ل» (лом) ҳарфи. Мазкур ҳосил бўлган «وي» (вй), яъни «و» (вов), «ي» (йо) ҳарфлари мазкур ҳосил бўлган «ل» (лом) ҳарфини икки томонида (агар байт-ни «گوشه» (гуша) ўқуғонда) ёки мазкур «ل» (лом) ҳарфини икки қулоғида (агар байтни «گوش» (гуша) ўқуғонда), демак, қайси тартибда бўлмаса ҳам келганларида «ولي» (Вали) ҳосил бўлур.

Ёки исм моддаси «زلف» (зулф) ҳамда «درویش» (дарвиш) дур. Чунончи, «زلف» (зулф) дан мурод «ل» (лом) ҳарфи. «دویشی» (виши) икки гўша, яъни икки қулоғи ёки икки гўшаси, яъни чети «و» (вов) ҳамда «ي» (йо) ҳарфларидур. Мазкур ҳосил бўлган лом ҳарфи мазкур «و» (вов), «ي» (йо) ҳарфлари ўртасида бўлса, «ولي» (Вали) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 127-инчи саҳифасида **Мир Ҳусайн** (46) муаммоси, «Лутф» номида:

شاد از آنم که یار ناوک غم
طرف دل فکنده از پی هم

Шод аз онам ки ёр новаки ғам,

Тарафи дил фиканда аз пай ҳам.

Ёр ғам ўқларини бир-бири изидан дил тарафига отишидан шоду миннатдорман.

Исм моддаси «طرف» (тараф) ва «دل» (дил) лафзларидур. Чунончи, «طرف» (тараф) ни икки жониби «ط» (то), «ف» (фе) ҳарфлари. «دل» (дил) ни тарафи эса «ل» (лом) ҳарфи. Мазкур «ل» (лом) ҳарфи мазкур «ط» (то) ҳамда «ف» (фе) устида бўлса, «لطف» (Лутф) номи ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 141-инчи бет. **Ҳофиз Шарбатий**-ни муаммоси, «Оллоёр» номида:

هر چند که جان و دل در هجر وی افگار است

چون نیک نگه کردم حق بر طرف یار است (47)

Ҳар чанд ки жону дил дар ҳажри вай афгор аст,
Чун нек ниғаҳ кардам ҳақ бар тарафи ёр аст.

Ҳар қачонким, жон билан дил уни ҳажрида афгор-
дур, лекин таомил билан қараганда, ҳақ унинг томо-
нидадир.

Масалани ечиш: Бу муаммо тансис амали билан
зоҳирдур. Чунончи, «حق» (ҳақ) муродифи «الله» (Оллоҳ)
дур. «الله» (Оллоҳ) уни («يار» (ёр) ни) тарафида бўлса,
«الله يار» (Оллоёр) бўлур.

روی آن دلربای مهر گسل
فیتنه با خالهایش گشت ایدل

Руйи он дилрабои меҳргусил,
Фитна бо холҳояш гашт, эй дил.

У меҳру вафо риштасини узгучи дилрабони юзи
фитна ва холлари билан ўзгарди ва тағйир тобди, эй
дилим.

(48) Масалани ечиш: Исм моддаси «فیتنه» (фитна)
дур. Мазкур қалб бўлганда «نفته» (нфта) бўлур. Байтдаги
«خالهایش» (холҳояш) дан мурод нуқталар ҳамда «ه» (ҳойи
ҳавваз) ҳарфидур. Тасҳиф амалига асосан, мазкур «ه»
(ҳойи ҳавваз) ҳарфи соқит бўлуб, нуқталар ўзгарилса,
«ناقى» (Нақи) ҳосил бўлур.

Айзан: Мазкур муаммо **Мавлоно Хованд Мир** муаммо-
сидур. «Мажолис ун-нафоис» 146-бет. «Нақий» номида.

Ва яна мазкур китоб 149-инчи саҳифасида **Мавлоно**
Ҳожи Муҳаммад муаммоси, «Одил» номида.

خیال قد تو جا کرده عالمی در دل
(49) و زان مراد فدا ساخته دلان حاصل

Хаёли қади ту жо карда олами дар дил,
Ва-з он мурод фидо сохта дилон ҳосил.

Қоматинг хаёлини бир олам кишилар дилларида жо
қилдилар. Ундан мурод дилларини фидо қилиш шара-
фига эга бўлсинлар.

Масалани ечиш: «ع» (о) «دل» (дил) ни устида кел-
ганда «عادل» (Одил) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 149-инчи бет, **Мир Ҳусайн**
Муаммонӣ муаммоси, «Носир» номида:

شد بخوبی روی آن حور پریش آفتاب
کس ندید از خاک و باد و آب و آتش آفتاب

Шуд ба хуби руи он хури париваш офтоб,
Кас надид аз хоку боду обу оташ офтоб.

Гўзалликда у париваш ҳурни юзи офтоб бўлди. Туф-
роқ, шамол, сув, ўтдан ҳеч ким офтоб кўрмади.

Масалани ечиш: «خاک» (хок), «باد» (бод), «آب» (об),
«آتش» (оташ) дан мурод «عناصر» (аносир) дур. «آفتاب»
(офтоб) ни муродифи «عين» (айн) дур. Бундан «ع» (айн)
ҳарфи ирода қилинғондур. Мазкур «ع» (айн) ҳарфи
«عناصر» (аносир) да бўлмағонда «ناصر» (Носир) исми
ҳосил бўлур¹⁰⁹.

Ва яна мазкур китоб 152-инчи саҳифасида **Сайид**
Асадулло муаммоси «Гадо» ва «Амин» исмларида:

ای سرو خرامان ز کدامین چمنی تو
هر جا که روی جلوه کنان جان منی تو

Эй сарви хиромон, зи кадомин чамани ту,

Ҳар жоки руи жилва кунон жони мани ту.

Эй хиромон сарв, сен қайси чаманни сарвисан? Ҳар
жойда ҳам жилва қилиб борсанг, мани жонимдурсан.

«Гадо» ҳамда «Амин» исмларини чиқариш тансис
амали билан (51) зоҳирдур. Агар «گد» (Гадо) номини
топмоқчи бўлганда, «کدامین» (кадомин) лафзидаги «алиф»-
ни «کد» (кад) га ҳамроҳ қилинади. Агар «امین» (Амин)
номини топмоқчи бўлсангиз, мазкур «алиф»ни¹¹¹

¹⁰⁹ Қўлэзмада вов ҳарфи йўқ.

¹¹⁰ Ушбу муаммонинг ечими Л. Зоҳидов томонидан қуйидагича кўрса-
тилган:

Муаммонинг мазмуни: Ул паривашнинг юзи гўзалликда қуёш бўлди,
Ҳеч ким тупроқ, шамол, сув ва ўтдан қуёшни кўрмади.

Ҳалли: Тупроқ, шамол, сув ва ўт, яъни тўрт элемент арабчасига “ано-
сир” дейилади. Унинг юзи «ع» ҳарфи бўлиб, маъноси қуёш демакдир.
Агар биз “аносир” «عناصر» дан қуёшни, яъни «ع» ҳарфини кўрмасак, —
ناصر — Носир исми ҳосил бўлади. Қаранг: Зоҳидов Л. Алишер Навоӣ муаммо-
лари ва “Рисолаи муфрадот” асари. Тошкент, 1970. 40-б.

¹¹¹ Қўлэзмада «امین» ёзилган. Аслида «مين» бўлиши керак.

(мин) га қўшасиз. Демак, «алиф» ҳар икки исми топ-моқ учун муштаракдур.

Ва яна мазкур китоб 153-бет. **Мавлоно Али** муаммоси, «**Малик**» номида:

مكن عتاب و بر ابرو گره مزن يارا
كه نيست تاب عتاب مه رخت مارا

Мақун итобу бар абру гириҳ мазан ёро,
Ки нист тоб итоби маҳ рухат моро.

Эй ёр, итоб қилма ва қошингга гириҳ солма. Чунки бизга ой юзунгни итобига тобу тоқат йўқдур.

Масалани ечиш: «عتاب» (итоб) лафзида «تاب» (тоб) бўлмаганда «ع» (айн) ҳарфи қолур. (52) «گره» (гириҳ) да «ره» (реҳ) бўлмаганда «ك» (коф) ҳарфи қолур. Мазкур «ع» (айн) жуммал ҳисобида «70» дур. «ك» (коф) ҳарфи эса «20» ададдур. Мазкур маблағни жамъ қилганда 90 адад бўлур. «ملك» (Малик) исмини ҳам рақами 90 ададдур.

Ва яна мазкур китоб 157-нчи саҳифасида **Мавлоно Муҳаммад**ни муаммоси, «**Рух**» номида:

گشت ميخانه ز حوران بهشتي معمور
چند چرخي بزن و چشم فكن جانب حور

Гашт майхона зи хурони беҳиштий маъмур,
Чанд чархи бизану чашм фикан жониби хур.

Майхона беҳишт хурларидан обод бўлди. Бир неча айлантириб хур томонга кўз ташлагил.

Масалани ечиш: Исм моддаси «حور» (хур) лафзидур. Мазкур «حور» (хур) ни (53) қалб қилганда «روح» (Рух) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 158-инчи бетида **Мавлоно Шер Али** муаммоси, «**Маланку**» номида:

تا نكو گفتيم نامت گفته ما را بجو
سروناز ما روان پيوسته با ابرو بگو

То неку гуфтим номат гуфта мо ро бежу,
Сарви нози мо равон пайваста бо абру бегу.

Биз номингни гўзал дедик, сен эса бизни изладинг. Бизнинг сарвинозимиз қошлари пайвастадур.

Масалани ечиш: «نكو» (неку) ни муродифи «حسن» (ҳасан) дур. Мазкур «حسن» (ҳасан) жуммал ҳисобида «118» ададдур. Бу рақам «بگو» (бегу) лафзи адади билан, яъни «بگو»¹¹² (бегу) ададига «28» қўшилганда «146» бўлур. «ملنكو» (Маланку) ҳам адади «146» дур.

(54) Ва яна мазкур китоб 159-инчи саҳифасида **Мавлоно Шох Али** муаммоси. «**Айуб**» номида:

زاهدان را نکشد دل به سوى باده ناب
با دل خوش نه بينند سزاوار شراب

Зоҳидон ро накашад дил ба суи бодаи ноб,
Бо дили хуш на бинанд сазовори шароб.

Яъни, зоҳидларни диллари тунуқ ва соф май томонига бормайди. Чунки улар дилларида ўзларини шаробга лойиқ ва сазовор демайдилар.

Масалани ечиш: Исм моддаси «زاهدان» (зоҳидон), «باده» (бода), «ناب» (ноб), «خوش» (хуш) лафзлари. Чунончи, «زاهد» (зоҳид) ни дили «ا» (алиф) ҳарфи, «باده» (бода) ни муродифи «مي» (май). Уни томони «ي» (йо) ҳарфи. «ناب» (ноб) ни дили «و» (вов) ҳарфи. «خوش» (хуш) ни томони «ب» (бе) ҳарфи. Мазкур ҳосил бўлган ҳарфларни (55) тартиби билан таркиб берилганда, «ايوب» (Айуб) исми ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 159-инчи бет, **Мавлоно Баҳлул** муаммоси, «**Хуррам**» номида:

بهر مي ساقی چو دارم انتظار
بی لب او مانده ام اندر خمار

Баҳри майи соқий чу дорам интизор,
Бе лаби у мондаам андар хумор.

Шароб учун соқийга манзур бўлдум. Соқийни лаби-сиз хумор ичида қолдим.

¹¹² Абжод ҳисобида г ҳарфи назарда тутилмагани учун унинг ўрнига книнг рақами олинади.

¹¹³ Қўлзмада.

Масалани ечиш: Исм моддаси «او» (у) ҳамда «خمارة» (хумор) лафзларидур. Бу амални исқот амали ва қалб амаллари дейдилар. Чунончи, «او» (у) ни лаби «алиф»-дур. Яъни «алиф» ҳарфи. (56) Мазкур «алиф» «خمارة» (хумор) лафзидан исқот қилинганда «خمارة» (хамр) қолур. Мазкур «خمارة» (хамр) ни қалб қилганда «خمارة» (Хуррам) исми ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 161-инчи саҳифасида **Мавлоно Шайхзода Ансорийнинг** муаммоси, «Сод» номида:

ناوك از مژگان چه اندازی بقصد جان من

پر حذر باش از سرشک چشم خون افشان من

Новак аз мужгон чи андози бақасди жони ман,

Пур ҳазар бош аз сиришки чашми хунафшони ман.

На учун мужгон ўқларини отиб жонимга қасд қилур-сан. Қон сепувчи кўзумни ёшларидан жуда ҳазар қилгил.

Масалани ечиш: Бу масала таҳлил амали билан ҳал қилинур. Чунончи, (566) исм моддаси «بقصد» (бақасд) лафзидур. Уни таҳлил берганда «بقصد»-«صد» (бқ-сд) бўлур. Аввалги жузвини исқот қилганда «صد» (сд) қолур. «ناوك» (новак) дан мурод «алиф» ҳарфидур. Мазкур «алиф» мазкур «صد» (сд) ўртасида кирганда «صاد» (Сод) номи ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 162-нчи бет **Устод Қулмуҳаммад** муаммоси, «Нур» номида:

خوش آن مطرب که ساز خوش نواز د

یکی از خوش نوا خوشحال ساز د

Хуш он мутриб ки, сози хуш навозад,

Яки аз хушнаво хушҳол созад.

Масалани ечиш: Исм моддаси «نواز» (навоз) дур. «یکی» (яки) дан мурод «алиф» ҳарфи. «نواز» (навоз) дан «алиф» ҳарфи урулганда, яъни исқот бўлганда «نوز» (нуз) бўлур. Уни жинсдоши «نور» (Нур) дур.

(57) Ва яна мазкур китоб 163-нчи бет, **Ҳусайний** муаммоси, «Мажд» номида:

چنان مجنون بیدل را نموده روی دل لیلی

که نبود در دل تنگش بغیر از عشق او میلی

Чунон Мажнуни бедил ро намуда руи дили Лайли, Ки набуд дар дили тангаш ба ғайр аз ишқи у майли. Дилсиз Мажнунга Лайли дил юзини шундай кўрсатдиким, у бечорани танг дилида Лайли ишқидан ўзга бирор нарсага майл ҳам қилмади.

Исм моддаси «مجنون» (Мажнун) ва «روی دل» (руи дил) дур. Чунончи «مجنون» (Мажнун) «бедил» бўлса, «مَج» (маж) қолур. «دل» (дил) ни юзи эса «د» (дол) ҳарфи. Мазкур «مَج» (маж) ни охирида «د» (дол) ҳарфи қўшулганда «مجد» (Мажд) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 163-нчи саҳифасида **Муҳаммад Али** муаммоси, «Хусом» номида: (58)

یا رب ای مه نشنود کس در جهان نام فراق

چون رخ خوب تو دیدم روز شد شام فراق

Ё раб, эй маҳ, нашинавад кас дар жаҳон номи фироқ, Чун рухи хуби ту дидам руз шуд шами фироқ.

Эй раббим, жаҳонда ҳеч кимса фироқ номини эшитмасун, деб муножот қиламан. Эй ойим, сенинг гўзал юзунгни кўрдим, фироқ шами кундузга айланди.

Масалани ечиш: Исм моддаси «رخ خوب» (рухи хуб), «شام» (шом) лафзларидур. Чунончи, «خوب» (хуб) ни юзи «خ» (хе) ҳарфи. Мазкур «خ» (хе) ни жинсдоши «ح» (ҳе) дур. «شام» (шом) «кундуз»га айланса, яъни нуқталар олиб ташланганда «سام» (сом) бўлур. Мазкур ҳосил бўлганга «ح» (ҳе) ҳарфини «سام» (сом) ни юзига келтуруб таркиб берилса, «حسام» (Хусом) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 169-нчи бет, **Хожа Абдулла Садр** (59) муаммоси, «Довуд» номида:

شد بسته چو بلبل دل عشاق جگر خوار

بر گیسوی او هر طرفی ز ان گل رخسار

Шуд баста чу булбул дили ушшоқи жигархор, Бар гесуи у ҳар тарафи з-он гулрухсор.

Жигар сўхта ошиқлар булбул каби нағмаларни мувофиқлаштирдилар. У гул юзлукни ҳар тарафдан кокили томонида.

Масалани ечиш: «جگر» (жигар) ни муродифи «کبد» (кабид) дур. Мазкурни томони «د» (дол) ҳарфи. «خوار» (хор) ни дили «алиф» дур. Таркиб берганда «دا» (до) бўлади. «گل» (гул) ни муродифи «ورد» (вард) дур. Уни икки томонини олганда «ود» (вд) бўлур. Мазкур «دا» (до) га қўшганда «داود» (Довуд) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 169-нчи бет, **Хожа Яхё** (60) муаммоси, «Добий» исмида:

آن صنم را بعاشق بیدل
آمد و رفت کی بود ای دل

Он санамро баошиқи бедил,

Омаду рафт кай бувад, эй дил.

У санам ошиқи бедиллар билан, эй дилим, қачон рафту омад қиларкан.

Масалани ечиш: Исм моддаси «آمد» (омад) ва «رفت» (рафт) дур. Чунончи, «آمد» (омад) дан «مد» (мад) кетганда «امد» (амад) бўлур. Мазкур «امد» (мад) бедил бўлганда «اد» (ад) қолур. Мазкур «اد» (ад) абжад ҳисобида «5» дур. «رفت» (рафт) ни дили «ف» (фе) ҳарфи абжад ҳисобида («ف» (фе) 80 бўлиб, унга 5 қўшилганда) «85» дур. Мазкур исм бўлган «داعي» (Добий) рақамлари билан баробардур.

(61) Ва яна мазкур китоб 174-нчи бет, **Мир Иброҳим** муаммоси, «Шоҳим» ва «Моҳим» номларида:

از سر مهر ای نگار دل نواز

سوای ابراهیم بیدل بین بنواز

Эй сари меҳр, эй нигори дилнавоз,

Суи Иброҳими бедил бин баноз.

Меҳр бошидан, эй дилларни ҳурмат қилғувчи нигорим, бедил Иброҳим сори ноз билан назар қилгил.

Масалани ечиш: «ابراهیم» (Иброҳим) бедил бўлганда «شمس» (аҳим) қолур. «مهر» (меҳр) ни муродифи «شمس» (шамс) дур. Мазкур «شمس» (шамс) ни бош ҳарфи «ش» (шин) ҳарфи. Мазкур «ش» (шин) ҳарфини «اهیم» (аҳим) ни бошида зоҳир қилганда «شاهیم» (шоҳим) исми ҳосил бўлур. Ва яна бир маротаба «مهر» (меҳр) ни боши «م» (мим) ҳарфи. Мазкур «م» (мим) ҳарфини «اهیم» (аҳим)

устида зоҳир қилганда «ماهیم» (Моҳим) номи чиқаду.

Ва яна мазкур китоб 179-нчи бет, **Шоҳқули Уйғур**, «Маҳвий» номида:

از محنت ما به پیش وی حرفی دو

گر مصلحت است گو و گر نیست مگو

Аз меҳнати мо бапеши вай ҳарфи ду,

Гар маслаҳат аст гу ва гар нист магу.

Бизнинг чеккан меҳнатларимиздан у гўзалнинг олдида агар маслаҳат деб топганингда, икки оғиз сўз айт ва агар маслаҳат деб топмасанг, демагил.

Масалани ечиш: «محنت» (меҳнат) сўзини аввали «مح» (мх) дур. Уни олдида «وي» (ви) келганда «محوي» (Маҳвий) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 178-нчи бет **Абдулқаҳҳор** муаммоси, «Хумом» номида:

یار ما از آتش می روی گل افروخته (63)

عندلب بی سرو پا در غمش دل سوخته

Ёри мо аз оташи май руи гул афрухта,

Андалиби бе сару по дар ғамаш дил сухта.

Май ўтидин ёримни юзи ёнди. Бош ва оёғ яланг булбул эса унинг ғамида дил куйдурди.

Масалани ечиш: «ما» (мо) тансис амали билан зоҳирдур. «می» (май) ни юзи «م» (мим) ҳарфи. «مام» (мом) ҳосил бўлди. «عندلب» (андалиб) ни муродифи ¹¹⁴ «هزار» (ҳазор) дур. Мазкурни юзи «ه» (ҳойи ҳавваз) ҳарфи. Мазкурни «مام» (мом) ни юзида келтурганда «همام» (Хумом) бўлур.

Ва яна мазкур китоб 179-нчи бет. **Бек Малики** муаммоси, «Хуррам» номида:

خال چو بر عارض مهوش زدی (64)

در دل مردم ز رخ آتش زدی

Хол чун бар орази маҳваш зади,

Дар дили мардум зи рух оташ зади.

¹¹⁴ «Андалиб»нинг маънодоши «هزارداستان» бўлади. Бу ерда Гулшаний сўзни тўла ёзмай бир қисми, яъни «هزار»ни кўрсатиш билан кифояланган.

Ойдек юзунгга хол қўйдинг. Афсуским мардум дили-да юзунглин ўт қўйдинг.

Масалани ечиш: Исм моддаси «خال» (хол), «عارض مهوش» (оразӣ маҳваш), «دل مردم» (дили мардум) лафзларидур. Чунончи, «خا» (хо) дан мурод «خ» (хе) ҳарфи. «مهوش» (маҳваш) ни юзи «م» (мим) ҳарфи. «مردم» (мардум) ни «дил»и «ر» (ре) ҳарфи. Ҳосил бўлган ҳарфлар таркиб берилганда «خرم» (Хуррам) ҳосил бўлур.

Ва яна мазкур китоб 182-нчи бет, **Хожа Хурд** муаммоси, «**Малик**» номида:

در میان هر چیز کان از اوج مه تا ماهی است

مظهر اسمی است گشته گر ترا آگاهی است

Дар миёни ҳар чиз к-он аз авжи маҳ то моҳи аст,
Мазҳари исми аст гашта гар туро ӯгоҳи ҳаст.

Ой билан балиқ ўртасида ҳар нимаки бўлса уни исми зоҳирдур. Агар санга тушунча бўлса.

Исм моддаси «چیز» (чиз) ҳамда «اوج مه» (авжи маҳ) ҳамда «تا ماهی» (то моҳи) дур. Чунончи, «چیز» (чиз) жуммал ҳисоби билан «20» ададдур (Яна бир мартаба «چیز» (чиз) ни миёни «ي» (йо) ҳарфи мазкур «20»га қўшилганда «30» бўлур. Ёки «تا ماهی» (то моҳи), яъни «ماهی» (моҳи) ни ки охири «ي» (йо) ҳарфи жуммал ҳисобида «10» ададдур, «چیز» (чиз) адади қўшилганда «30» бўлур. Бу «ل» (лом) адалига баробардур)¹¹⁵. Бу эса «ل» (лом) ҳарфини рақамидур. «اوج مه» (авжи маҳ), яъни «ой»ни юзи «م» (мим) ҳарфи. «تا ماهی» (то моҳи), яъни «ماهی» (моҳи) ни муродифи «سمک» (самак). Мазкур «سمک» (самак) ни охири «ک» (коф) ҳарфидур. Мазкур ҳосил бўлган ҳамма ҳарфларни жамъ қилганда «لمک» (лмк) бўлур. Буни қалб қилганда «ملک» (Малик) бўлур.

Тамом

Абдулла котиб Гулшаний Кеший. Сана 1963 мелодий, 5 июн, чаҳоршанба кун.

¹¹⁵ Қавс ичидаги изоҳлар Гулшаний томонидан кейинчалик қўшилган.

Изоҳлар

Жуммал ҳисоби — Абжад ҳисоби.

Идғом қилиш — Бирлаштириш. Бунда бир ҳарф кетма-кет келганда араб алифбосига ҳос тарзда бир марта ёзилиб, ташдид орқали иккиланган ҳолда ўқилиши назарда тутилади.

Интиқод (амали) — Интиқод амалининг моҳияти исмни топишга алоқадор бўлган сўзнинг бирор бўлагига ишора қилиш ва ундан керакли ҳарфни саралашдан иборатдир.

Исм моддаси — Исм моддаси деганда муаммода яширилган исмни чиқаришга алоқадор бўлган битта ёки бир нечта сўз назарда тутилади.

Исқот (амали) — Исқот амали муаммода яширилган исмни ҳосил қилиш учун исм моддаси бўлган сўзларнинг исмни ҳосил қилишда ҳалал бераётган ёки зарур бўлмаган бўлагини тушириб қолдиришдан иборатдир.

Маҳсус ҳарф — Талмеҳ амалида бирор сўз айтилиб, унинг охириги ҳарфи олиниши назарда тутилади.

Муродиф — Маънодош, синоним маъносида. Муродиф тародиф амали ҳам дейилади. Унга кўра, муаммода яширилган сўзни топиш учун унинг маънодоши бўлган сўз айтилади.

Соқит — Исқот амалига қаранг.

Табдил (амали) — Муаммода яширилган исмни ҳосил қилишда исм моддаси бўлган сўзнинг кераксиз қисмини ташлаб, унинг ўрнига бошқа сўздаги керакли бўлакни қўшишдир.

Таркиб (амали) — Таркиб амали шундан иборатки, исм моддаси бўлган бирор сўзнинг муаммолик мазмуни битта бўлмаса, муаммолик мазмунини англашда

биттасига эътибор қаратилади. Бунда шарт шуки, ўша лафз айнан мурод бўлмайди.

Тасҳиф (амали) — Тасҳиф амали шундан иборатки, унда мақсад қилинган сўзни ҳосил қилиш учун восита бўлиб келадиган сўзда иштирок этадиган ҳарфлар устига керак бўлса нуқта қўйилади ёки олиб ташланади.

Таҳлил (амали) — Таҳлил шундан иборатки, унда бирор сўзнинг муаммолик жиҳати битта бўлса, муаммолик жиҳатларини фаҳмлаш учун бўлақларга бўлинади.

Қалб (амали) — Қалб амалига кўра муаммода яширилган исмни ҳосил қилишда исм моддаси бўлиб келаётган сўз ҳарфларининг ўрни алмашишига ишора қилинади.

Ҳисоб (амали) — Ҳисоб амали бирор сўзни сонга қиёс қилиб айтиш ёки сонни айтиб ундан ҳарф ҳосил қилиш орқали исмни ҳосил қилишдир.

МУНДАРИЖА

Гулшаний ижодиёти хусусида	3
«Ҳазойин ул-маъоний»даги муаммоларнинг ечими	11
«Мажолис ун-нафоис»даги муаммоларнинг ечими	34
Изоҳлар	65

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ
МУАММО ЖАНРИДАГИ
ТУРКИЙҒЎЙ ХАЛАФИ

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер
Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.*

Муҳаррир: Абдулла Шаропов
Мусахҳиҳ: Акрам Деҳқон
Тех.муҳаррир ва дизайнер: Дилмурод Жалилов

Нашриёт рақами: 3-62
Босишга 2009 йил 27 апрелда рухсат этилди.
Босмахонага 2009 йил 28 апрелда топширилди.
Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. Ҳисоб-нашриёт табоғи: 3.4.
Шартли босма табоғи: 4,25. Адади: 500.
34-сонли буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан»
нашриёти, 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100128, Тошкент ш., 3. Қобулов кўчаси, 19-уй.

خلق ایچره ظهور حسنی⁵⁴ اول سیمین بر
کورگوزدی و یا بولدی قیامت یکسر
کیم جلوه گر ایردی⁵⁵ گر کچیک یا که⁵⁶ اولوغ
بیر بیر حرکتین⁵⁷ ایلادی زیر و⁵⁸ زیر

Халқ ичра зуҳури ҳусни ул симинбар
Қўргузди, ваё бўлди қиёмат яксар
Ким, жилвагар эрди гар кичик ёки улуг,
Бир-бир ҳаракатин айлади зеру забар.

Ҳал қилиш: бу икки амал билан ҳосил бўлур. Чунончи, исм моддаси «کورگوزدي» (қўргузди) муродифи «ظاهر» (зоҳир) дур. (34) Ёки байт мазмунига қараб амал қилинганда «вов» ҳарфи зеру забар бўлса, яъни «ظهور» (зуҳур) дан соқит бўлса, «ظهر» (заҳир) қолур. «Қиёмат»-дан мурод «қад»дур. «Қад»дан мурод «алиф»дур. Мазкур «алиф» «ظهر» (заҳир) орасида жилвагар бўлса, мазкур ҳарф улуг ва кичик сонлардан иборат бўлишларига қарамай, ҳаракатлари зерга, забарга айлансалар «ظاهر» исми ҳосил бўлур.

34. Ва яна муаммо «امر» номида ёки «عمر»⁵⁹:

جمله اشياعه بولدى عاشق و آشوفته حال
عالم و آدم يوزين چون قيلدى مرات اول جمال

Жумла ашёға бўлди ошику ошуфта ҳол,
Оламу одам юзидин чун қилди миръот ул жамол.

(35) Ҳал қилиш: исм моддаси «آدم» (одам) ва «مرآت» (миръот) калималаридурлар. Мазкур «آدم» (одам) ни юзи «آ» (алиф) ҳарфидур. «مرآت» (миръот) ни юзи «مر» (мир) дур. Таркиб «امر» (Омир) исми ҳосил бўлур.

⁵⁴ А.Б.В. حسن.

⁵⁵ В. Олдин اولدي ёзилиб, кейин ایرди га ўзгартирилган.

⁵⁶ А.Б.В. يا خود.

⁵⁷ А.Б.В. حرکاتين.

⁵⁸ В. و йўқ.

⁵⁹ Гдан бошқа нусхаларда фақат «عمر» кўрсатилган.

⁶⁰ В. و йўқ.

Ёки «عمر» (Омир) номида исм моддаси «عالم» (олам) ва «مرآت» (миръот) дур. Мазкур «عالم» (олам) ни таҳлил берганда «عا» (о) - «لم» (лам) бўлиб, икки жузвга бўлинур. «مرآت» (миръот) таҳлили «مر» (мир)-«آت» (от) бўлиб, бу ҳам икки жузвга бўлинур. Бизга мазкур «عالم» (олам) ни ва «مرآت» (миръот) ни биринчи жузвлари керак. Яъни «عمر» (Омир) керак. Ана шундай қилиб, «عمر» (Омир) икки⁶¹ ҳосил бўлур.

(36) Ва яна муаммо «Одил»⁶² номида:

هم قاشى بيله⁶³ عارضى خوش ایرور
هم⁶⁴ کوزى بيله⁶⁵ قدی دلکش ایرور

Ҳам қоши била орази хуш эрур,
Ҳам кўзи била қади дилкаш эрур.

Ҳал қилиш: исм моддаси «کوزى» (кўзи), «قدى» (қади), «دلکش» (дилкаш) калималаридурлар. «کوزى» (кўзи) ни муродифи «عين» (айн). (Бундан) Мурод «ع» (айн) ҳарфидур. «قد» (қад) дан мурод «алиф» ҳарфидур.

Мазкур «عين» (айн) билан «алиф» таркиб топса, «عا» (о) бўлур. «دلکش» (дилкаш) калимасидаги «دل» (дил) ни ўзларига тортсалар, «عادل» (одил) ҳосил бўлур.

(37) 36. «Фариб»⁶⁷ номида муаммо:

چاک بغريم طرفين ایلادینگ ایکی پرکند
بیری نی تاشلابان اخیر بیرین ایتدینگ پیوند

Чок бағрим тарафин айладинг икки парканд,
Бирини ташлабон охир, бирин этдинг пайванд.

Ҳосил қилиш: исм моддаси «بغريم» (бағрим) дур. Мазкурни тарафларин икки парканд қилганда, «ب» (б) , «غري» (ғари), «م» (м) бўлур. Яъни, бир парканд «ب»

⁶¹ Бу ерда Гулшаний «Омир» номининг иккинчи йўл билан ҳосил қилиниши назарда тутмоқда.

⁶² В. «Шукрилло».

⁶³ А. بيله.

⁶⁴ В. کيم.

⁶⁵ А. بيله.

⁶⁶ А. يوزى.

⁶⁷ В. «Садик».